



**O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI**



Uzbekistan

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЗАРУР?

ҚЎЛЛАНМА



Тошкент
SMI-ASIA
2012

УДК: 334.722(575.1)

КБК: 65.9(5Ў)09

T14

Тадқиқот раҳбари:

А. Э. Шайхов, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси

Муаллифлар гуруҳи: Н.Обломуродов, А.Базаров, И.Носиров, Д.Абдурахмонов, Ш.Рафиков, Ҳ.Касимов, Ж. Султанов

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ҳақида нималарни билиш зарур? Қўлланма. – Т.: SMI-ASIA, 2012. – 124 с.

Қўлланма тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, унга тайёр-гарлик кўриш, текширишларни ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш юзасидан тадбиркорларга маслаҳат бериш ва амалий билимларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланма БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми (2 босқич)» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан нашр этилди.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибий бўлинмалари орқали тарқатилади. Қўлланманинг электрон нусхасини Савдо-саноат палатасининг www.chamber.uz ва «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳасининг www.bfu.uz веб-саҳифаларида топишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 6-блок

Телефон/Факс: (+998 71) 233-77-49

Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан, БМТТД ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи-назарларига мос келмаслиги мумкин. Ушбу нашр БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» (2 босқич) лойиҳаси томонидан тайёрланган.

ISBN 978-9943-17-054-4

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2012 йил. www.undp.uz

© Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 2012 йил

МУНДАРИЖА

Қисқартмалар рўйхати	4
Глоссарий	5
Кириш.....	7
Умумий маълумотлар	9
1-боб: Текширишга тайёргарлик кўриш	12
2-боб: Текширишни бошлаш.....	21
3-боб: Текширишни ўтказиш.....	30
4-боб: Текширишни тугатиш	36
5-боб: Текширишдан кейин.....	42
6-боб: Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.....	52
Хулоса.....	61
Иловалар.....	62

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

Давлат солиқ қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Давлат мулки қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси
Давархитектқурилиш қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Адлия вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ИИБ	Ички ишлар органлари
МХХ	Миллий хавфсизлик хизмати
ДСЭНМ	Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссиялари	Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли ҳудудий комиссиялари
ЭКОИХ	Энг кам ойлик иш ҳақи
ҚҚС	Қўшилган қиймат солиғи
МЧЖ	Масъулияти чекланган жамият
ҚҚ	Қўшма корхона
БМТТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури
ЎзР ССП	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

ГЛОССАРИЙ

Давлат назоратининг субъектлари - давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, ҳамда мулкчилик шакли ва бирор идорага қарашлилигидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар (юридик шахслар) ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар (жисмоний шахслар) ҳисобланадилар (яъни кимлар давлат ваколатли идоралари томонидан текширилиши мумкин).

Давлат назоратининг объектлари - давлат назорати субъектлари томонидан ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти текшириладиган масалалар ҳисобланадилар (яъни текшириш пайти нималар текширилади).

Хўжалик юритувчи субъект - (тадбиркорлик субъекти) - белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс.

Назорат қилувчи органлар - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

Мансабдор шахс - ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

Масъул мансабдор шахс – ҳокимият вакиллари; давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар; мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколоти берилган жамоатчилик вакиллари.

Текшириш - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

Комплекс текшириш - бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) - солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдан иборат текширув.

Режадан ташқари текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

Қисқа муддатли текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан 1 иш кунини давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув (кечки ва/ёки тунги вақтларда фаолият кўрсатувчи (текшириш кунининг соат 18-00 дан эртаси куннинг соат 6-00 гача) хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан бошлаб 8 соат давомида амалга оширилади).

Муқобил текшириш - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув.

Солиқ текшируви - давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

Камерал назорат – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Назорат тартибда текшириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби - назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш махсус китоби.

КИРИШ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган кенг қўламли ислохотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янги имкониятларни очиб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги бу соҳанинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги тугган ўрни ва аҳамияти салмоқли эканлигидан дарак беради.

Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини таваккалчилик асосида амалга оширади. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорликнинг негизи бўлган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва кафолатлари давлат томонидан таъминланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Муҳтарам юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур.

Бу борадаги ишларнинг муҳим йўналиши тадбиркорлик фаолиятига давлат органлари томонидан аралашишни чеклаш ва тартибга солиш бўлиб, унинг ечими тадбиркорларга мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини самарали амалга оширишга имконият яратади. Бинобарин, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони мазкур йўналишдаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сонли Фармони билан мулкчилик шаклларида қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширадиган давлат органларининг ишини тартибга солиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилди. Мазкур Кенгашга режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек комплекс текширишлар ўтказишни амалиётга жорий этиш, бунда бир корхонадаги текшириш барча ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилиши,

шунинг ҳисобига ўтказиладиган текширишлар сони ва масалаларни такрорлаш кескин камайтириш ваколати юкланди.

«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа қарорлари тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, молиявий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда ҳамоя қилиниши кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий билим даражаси, яъни молиявий-хўжалик фаолиятини юритишни тартибга солувчи турли хил тартиб-қоидалар, меъёрлар ва талабларни қай даражада билиши ва қўллаши билан бевосита боғлиқ бўлмоқда. Шу ўринда тадбиркорларнинг ўзлари текшириш ўтказишнинг тартиб-қоидалари ҳақида хабардор бўлишлари, текширишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва айрим тушунмовчиликларни олдини олиш имконини беради.

Шуни эътиборга олган ҳолда, мазкур қўлланма Сизнинг эътиборингизга текшириш ўтказиш тартиби ва хусусиятларини тушунарли ва қулай тарзда очиб беради. Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан республиканинг турли вилоятларида ўтказилган бизнес форумлар, семинарлар ва давра суҳбатлари доирасида муҳокама этилган текшириш давомида юзага келадиган долзарб масалаларга алоҳида урғу берилган. Шунингдек, унда текшириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари ва назорат органлари ўртасидаги муносабатларнинг турли қирралари, хусусан, текширишнинг турлари ва муддатлари, текшириш ўтказиш учун асослар, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, текшириш ўтказишни рўйхатга олиш китобини тўлдириш ва бошқа шуларга ўхшаш масалалар очиб берилган. Қўлланма Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳамда текширишларни тартибга солишга доир бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Қўлланма ёрдамида тадбиркорлар текширишга қандай тайёргарлик кўриш, текширишни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш давомида қайси муҳим жиҳатларга эътибор бериш кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

ҚўЛЛАНМА НИМАЛАРДАН ИБОРАТ

Мазкур қўлланма қуйидагилардан иборат:

- текшириш жараёнини изоҳловчи мазкур қўлланмадан;
- текширишдан аввал, текшириш давомида ва текширишдан кейин расмийлаштириладиган иловадаги ҳужжатлардан.

Текшириш жараёнини изоҳловчи қўлланма ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига:

- текшириш жараёни ҳақидаги маълумотларни очиб беради;
- расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларни намуна шаклида кўрсатиб беради.

Ушбу қўлланманинг барча маълумотлари ўзаро боғлиқ бўлиб, матннинг бир қисми бўйича хулоса чиқариш тавсия этилмайди. Қўлланманинг барчаси билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.




НИМА САБАБДАН ҚўЛЛАНМА БИЛАН ТАНИШИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ?

Мазкур қўлланма текшириш жараёнининг барча босқичларини оддий ва тадбиркор учун тушунарли тилда изоҳлайди. Ушбу қўлланма билан танишган тадбиркор:

- текшириш ўтказилишига тайёр бўлади;
- ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат назорати органлари томонидан аниқ ва тўғри риоя қилинишига эришади.


ҚўЛЛАНМАДА ИШЛАТИЛГАН БЕЛГИЛАР

Ушбу қўлланмада баъзи бир маълумотларнинг муҳимлигини кўрсатувчи маълумотлар қуйидаги белгилар билан ифодаланган:

Белгилар	Маъноси
	ДИҚҚАТ!!! Сиз томонингиздан қилиниши ёки эътибор берилиши шарт бўлган масалалар.
	Текширишда юзага келиб чиқиши мумкин бўлган масалалар ёки муаммоларни олдини олишга қаратилган муҳим маълумот.
	Амалиётдан мисол ёки қўшимча маълумотлар.
Эсингизда сақланг:	Мазкур маълумотлар қўлланмани тушунишга ёрдам беради.

ТЕКШИРИШ ЖАРАЁНИ

Мазкур қўлланмада келтирилган текшириш жараёни қуйидаги асосий боқичлардан иборатдир:



ТЕКШИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ:

Кўплаб тадбиркорларимиз ва ҳатто, ҳуқуқшуносларимиз текширишга оид **тамойилларга** риоя қилинишини фақатгина расмий ҳолат деб билиб, ушбу тамойилларнинг аҳамиятини ҳалигача етарли баҳолашмаган. Ривожланган давлатлар ва кўплаб ривожланаётган давлатларда, текширишга оид тамойилларни қонун меъёрининг асоси деб ҳисоблаб, қонундаги ҳар бир меъёрни ушбу тамойилларга зид бўлмаган ҳолда судлар томонидан қўллаб ва талқин қилиниб келинади.

ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛИ

Демократик жамиятнинг таркибий қондаси ҳисобланади ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикасининг **қонун ҳужжатлари асосида** амалга оширилиши лозимлиги демакдир, яъни текшириш жараёни **аниқ қонунчиликда ўрнатилган тартиб** бўйича амалга оширилиши талаб этилади.

ХОЛИСЛИК ТАМОЙИЛИ

Текшириш ўтказаетган давлат назорати органи вакилининг текшириш (мазмунига) ёки текширилетган ҳўжалик субъектига нисбатан **халис, беғараз муносабатда бўлиши лозимлиги**. Демак, бу тамойилга асосан текширишга нисбатан тўғридан-тўғри ёки билвосита манфаатдор бўлган шахс текширувга қўйилмаслиги даркор.

ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ

Тадбиркорлар фаолиятини текшириш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳисобланади, ҳамда ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва текшириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир жазони қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШМАСЛИК

Ҳар бир давлат назорати органига текширишни амалга ошираётганда қонунчилик меъёрлари ва текшириш учун асос бўлган ҳужжатлар билан ваколат берилган масалаларнигина текширишга рухсат берилади. Текширишга оид бўлмаган ҳужжатларни тадбиркорлик субъектидан сўрашга **рухсат берилмайди** (давлат назорати органларининг рўйхати 1-сонли иловада қаранг).



Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик суди Раёсатининг 14.06.2007 йилдаги Р-58-сонли Қароридан (қисқа матн):

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари солиқ инспекцияси ходимлари томонидан хусусий фирмада ўтказилган текширишнинг **қонунийлигини, асослилигини, холислигини, ошкоралигини, текшириш пайтида хусусий фирманинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинганлигини, унинг фаолиятига аралашмаслик** кафолатланганлигини тўлиқ ўрганилмаганлиги ва ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги эътироф этилган.

Қайд этилганларга кўра **ҳал қилув қарорини бекор қилиб**, ишни янгидан кўриш учун юбориш белгиланган. Ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди хусусий фирмада ўтказилган текширишнинг қонунийлигини, асослилигини, холислигини, ошкоралигини, текшириш пайтида хусусий фирманинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинганлигини, унинг фаолиятига аралашмаслик кафолатланганлигини ўрганиши ва ишдаги далиллар билан бирга ҳуқуқий баҳо бериши, қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори қабул қилиши лозимлиги ҳам алоҳида қайд этилган.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) 150-60-06, Web: www.chamber.uz. Ҳудудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

1-БОБ:

ТЕКШИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

НИМАНИ БИЛИШ МУҲИМ?

–Тадбиркорлик субъекти ваколатли давлат органи томонидан жуда чегараланган ҳолатларда ва маълум шартлар риоя қилинган ҳолатдагина текширилиши мумкин. Текшириш ўтказилишидан **асосий мақсад** тадбиркорлик субъекти томонидан йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш орқали, унинг қонунчилик доирасида фаолият кўрсатишига кўмак беришдир;

–Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан **режали тартибда** кўпи билан йилига **1 марта** амалга оширилиши мумкин;

–Белгиланган меъёрлар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан **2 йилда 1 марта** амалга оширилади;

–Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан 2 йилда 1 марта белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин;

–Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан **4 йилда 1 марта**, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини **режали текширишлар** кўпи билан **3 йилда 1 марта** амалга оширилади;

–Янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб **дастлабки 3 йил мобайнида** режали солиқ текширувидан **ЎТКАЗИЛМАЙДИ**;

1-БОСКИЧ.
Текширишга
тайёргарлик кўриш

Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб масалалар, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутучасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

–Аққиз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил қилинган кичик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек бюджет ҳамда маркашлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолияти давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб **дастлабки 2 йил мобайнида** режали солиқ текширувидан **ЎТКАЗИЛМАЙДИ**;

–**2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача** бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти солиқ текширувидан ўтказиш **ТАҚИҚЛАНАДИ**;


–Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатишига тўсқинлик **ҚИЛМАСЛИГИ КЕРАК**;

–Ўзбекистон Республикаси **Савдо-саноат палатасига** аъзо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар Савдо-саноат **палатаси вакиллари** иштирокида амалга оширилиши мумкин;

–Тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳамда текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни **ТАНИШТИРМАСЛИК ҲУҚУҚИГА ЭГА**.

ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ МАВЖУД?

Тадбиркорларнинг фаолиятини текширишни **текширув масаласига кўра** қуйидагиларга бўлиш мумкин:



МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК

ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ:

Тадбиркорларнинг **молия-хўжалик фаолияти**ни текшириш фақат **ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ** томонидан амалга оширилиши мумкин, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан амалга оширилади.

Бунда ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шахобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган жойдан қатъий назар, уларнинг молия-хўжалик фаолияти текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркор рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА

БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ТЕКШИРИШЛАР:

Молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текширишларга бевосита молия-хўжалик фаолиятига тааллуқли бўлмаган текширишлар киради, масалан ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидимология, транспорт хавфсизлиги, энергетик назорат масалалари киради.



Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишлар ёнғин хавфсизлиги, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа органлар томонидан, қоида тариқасида, **1 март**та ўтказиладиган **комплекс текширув давомида** амалга оширилади. Одатда, комплекс текширув режали тарзда амалга оширилади.

Тадбиркорларнинг фаолияти текширишни режалаштирилишига кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин:

Молия-хўжалик фаолияти текшириш (тафтиш қилиш) – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдан иборат текширув.

Комплекс текширув – бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

Тадбиркорларнинг фаолиятини текширишни **режалаштирилишига** кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин:



РЕЖАЛИ ТЕКШИРИШ:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини **режалли текшириш** Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори билан тасдиқланган режа асосида амалга оширилади. **Режали текширишлар** ҳақидаги маълумот ҳар ойда «Солиқ инфо» ҳамда «Солиқ ва божхона хабарлари» рўзномаларида чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий www.soliq.uz web саҳифасида бериб борилади.

Режали текширишлар ҳақидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий www.soliq.uz web саҳифасида бериб борилади.

Тадбиркорлар Кенгаш ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари ишчи органларидан (ДСИ идораси) ўз фаолиятларини текширишга тааллуқли (**режалаштирилган текшириш санаси, тури, назорат қилувчи органнинг номи** ва ҳ.к.) ахборотни бепул олишга ҳақли.

РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ТЕКШИРИШ:

Режадан ташқари текшириш молия-хўжалик фаолиятини текшириш ёки/ва молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текшириш бўлиши, шунингдек қисқа муддатли ва узоқ муддатли текшириш бўлиши мумкин.

Режадан ташқари текширишларнинг бир тури - **қисқа муддатли текшириш** ҳисобланади. Бундай текширувлар назорат қилувчи органлар томонидан **1 иш куни** давомида ўтказиладиган ва тадбиркорларнинг **молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган** текширувлар турига киради. Бунга солиқ идораси томонидан нақд пул тушумларининг кирим қилинишини текширишни, ёнгин хавфсизлигига риоя қилинишини текширишни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Режадан ташқари текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

Режадан ташқари текширишлар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:	
А)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда. Бунда корхона номи аниқ кўрсатилган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди.
Б)	Назорат қилувчи органга тадбиркор томонидан қонунчилик бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Эсингизда сақланг: қўшимча маълумот сифатида аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган қонунбузилиш фактлари хизмат қилиши мумкин.
В)	Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда.
Г)	Санитария-эпидемиологик вазият мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

МУҚОБИЛ ТЕКШИРИШ:

Муқобил текшириш тадбиркор корхонасига бормасдан, фақат унинг текширилаётган бошқа тадбиркор билан ўзаро муносабатлари доирасидагина амалга оширилади. Бу режадан ташқари текшириш ҳисобланади.



Тадбиркорлардан муқобил текширишга тааллуқли бўлмаган молия-хўжалик ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш **МАН ЭТИЛАДИ**.

КАМЕРАЛ НАЗОРАТ:

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда **камерал назорат** қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади. Мазкур назорат ДСИ идорасида амалга оширилади. Агар ДСИ томонидан солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда тадбиркорга тузатишлар киритиш талабно-маси ёзма юборилади.

Тадбиркор тузатилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан **10 кунлик муддатда** ДСИ идорасига **ТАҚДИМ ЭТИШИ ШАРТ**.

Камерал назорат

- солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга оширилаётган назоратдир.

Солиқ тўловчи - жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин **1 йил ичида такроран** камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик - муддати ўтказиб юборилган **ҳар бир кун учун 1 фоиз миқдорида**, бироқ тўлов миқдорининг **10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ЖАРИМА** солишга сабаб бўлиши мумкин. Агар камчиликлар 10 кун ичида тўғриланса, корхона ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

НАЗОРАТ ТАРТИБИДАГИ ТЕКШИРИШ:

Назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан фақат илгари ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир **далолатномада** (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияларининг **қўшимча розилигисиз** амалга оширилади.

Тадбиркор белгиланган муддатда мазкур текширишни ўтказишга **рози бўлмаса**, вилоят комиссиясининг қарори билан назорат тартибидаги текшириш белгиланади.

Назорат тартибидаги текшириш – тадбиркорларнинг илгариги ўзлари ўтказган текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **150-60-06**, Web: www.chamber.uz. Ҳудудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

Тадбиркорларнинг фаолиятини текшириш Кенгашнинг қарорига биноан **режали тартибда текшириш** кўпи билан **1 йилда 1 марта** амалга оширилиши мумкин, қуйида келтирилган ҳоллар бундан мустасно:

Молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар:	
микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари	4 йилда 1 марта (кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар классификациясини 2-сонли иловага қаранг)
бошқа тадбиркорлар	3 йилда 1 марта
янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари	давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан 3 йилдан сўнг
акциз товарларини ишлаб чиқарувчи, ҳамда бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ янги ташкил қилинган кичик корхоналар	давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан 2 йилдан сўнг

Янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно).

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш **ТАҚИҚЛАНАДИ** (юримдик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно).

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.



Молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган режали текширишлар, одатда, кўпи билан 1 йилда 1 марта ўтказилади.

Молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган режали текширишлар:	
хусусий корхоналарда	2 йилда 1 марта
белгиланган меъёрлар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риюя этувчи тадбиркорларда	2 йилда 1 марта



Текшириш билан тадбиркорнинг бевосита текшириш ўтказиш йилидан олдинги **5 календар йилдан кўп бўлмаган** фаолияти қамраб олиниши мумкин.

Бунда:

- текшириш ўтказилаётган календар йил даврини **ТЕКШИРИШГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ;**
- илгари текширилган масалалар бўйича **ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ МАН ЭТИЛАДИ.**

Мазкур қоидалар қўзғатилган **жиноят ишлари доирасида** ўтказиладиган текширишларга **татбиқ этилмайди.**

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШ

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг **молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши)** ва **қисқа муддатли текширув** (*молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текшириш*) шаклида амалга оширилиши мумкин.

Бунда ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шахобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган жойдан қатъий назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркор рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади. Мисол, “М” номли корхонанинг бир неча савдо шахобчалари бўлиб, бири корхона жойлашган М.Улуғбек туманида фаолият юритаётган бўлса, иккинчи савдо шахобчаси Юнусобод туманида ўз фаолиятини юритади. Юнусобод тумани солиқ идораси ўз ҳудудида жойлашган савдо шахобчасида қисқа муддатли текширув ўтказганда, кўпгина камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқланди ва корхонанинг М.Улуғбек туманида жойлашган асосий савдо шахобчасида ҳам текшириш ўтказишга қарор қилинди. Бунда М.Улуғбек тумани ДСИ вакиллари ҳам жалб қилинди.

Текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатлари аниқланганда эса, иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилади. Мисол, текшириш давомида чет эл валютасини яшириш ҳолатлари аниқланса (*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 178-моддаси*), сохта тадбиркорлик белгилари мавжуд бўлса (*ЎЗР ЖКнинг 179-моддаси*), сохта банкротлик аниқланса (*ЎЗР ЖКнинг 180-моддаси*), фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш ҳолати такроран аниқланса (*ЎЗР ЖКнинг 190-моддаси*) ва шунга ўхшаш жиноятлар аломатлари мавжуд бўлса иш мазкур Департаментга ўтказилади.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши, унинг ҳудудий комиссиялари **рухсатлари асосида** текширадилар.

Бунда якка тартибдаги тадбиркорни, тегишлича, солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунчиликка, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига (шу жумладан назорат-касса машинаси, ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши, сотилаётган мажбурий сертификатланадиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида белгиланган тамғалари мавжудлигига), пул маблағлари ҳисобини юритишга доир қонун ҳужжатларига риоя этиши юзасидан **давлат солиқ хизмати органлари** текширадилар.

Назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши, унинг ҳудудий комиссиялари рухсатлари асосида текширадилар.

Давлат санитария, ветеринария, ёнғин хавфсизлиги, энергетика назорати органлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида санитария назорати, ветеринария назорати, ёнғин хавфсизлиги чоралари, энергетика ҳамда экология назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишига масъулдилар.

Тегишли лицензияловчи органлар томонидан эса якка тартибдаги тадбиркорнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этиши текширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида **1 кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартиби-**

да текширилиши мумкин. Истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва маҳсулот ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин **5 иш кунидан ошмаган муддатда** текшириш кўзда тутилган.

Режадан ташқари текширишлар ўтказиш учун:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда;
- назорат қилувчи органга якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;
- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарур бўлганда;
- санитария-эпидемиологик вазият мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда асос бўлади.

Тадбиркорга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисми бўйича муқобил текширишлар ўтказилади.

Назорат тартибида текширишлар эса назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ўзлари ўтказган текшириш натижалари бўйича фақат **далолатномада** (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш, унинг ҳудудий комиссиялари **ҚЎШИМЧА ҚАРОРИСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**.

Амалиёт Кенгаш (ҳудудий комиссиялари) билан **ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВСИЗ** ҳам текшириш ўтказиш зарурати вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда. Яъни назорат қилувчи органда якка тартибдаги тадбиркорнинг қонунни бузиш ҳолатларини содир этганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган тақдирда, уни бартараф этиш учун тегишли назорат қилувчи орган раҳбарининг ёзма буйруғи асосида тезкор тадбирлар ўтказилиши бунга мисол бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида 1 кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартибида текширилиши мумкин. Истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва маҳсулот ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин **5 иш кунидан ошмаган муддатда** текшириш кўзда тутилган.

АМАЛИЁТДАН САВОЛЛАР:

САВОЛ: Текшириш **бир вақтнинг ўзида** бир неча текшириш турини қамраб олиши мумкинми?

ЖАВОБ: Текшириш **бир вақтнинг ўзида:**

- режали, комплекс, молия-хўжалик фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текшириш; ёки
- режадан ташқари молия-хўжалик фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текшириш; ёхуд
- режадан ташқари қисқа муддатли ва молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текшириш бўлиши мумкин.



САВОЛ: Бизнинг корхона 2010 йил феврал ойида ташкил топган бўлса, корхонада қачон молиявий фаолият юзасидан текшириш ўтказилади?

ЖАВОБ: Сизнинг корхонангизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб **2 йил мобайнида** режали текшириш ўтказилмайди. Текшириш **2012 йил феврал ойдан кейин** белгиланиши мумкин.



САВОЛ: «N» МЧЖ ДСИ идорасига солиқ бўйича ҳисоботларни топширгандан кейин мазкур корхона бош ҳисобчиси ҳисоботда айрим хатолар мавжудлиги ва бу хатолар солиқ солинадиган база кўрсаткичларини ўзгартириб юборганини аниқлади. Бош ҳисобчи дарҳол қайта ҳисобот тайёрлади ва ДСИ идорасига борди. Лекин солиқ инспектори корхонанинг қайта ҳисоботини қабул қилмади. Шунингдек инспектор тез орада «N» МЧЖ солиқ инспекцияси томонидан режали текширувдан ўтказилиши ва бу текширувда йўл қўйилган хатолар керакли жарималарни тўлаш орқали тўғриланишини маълум қилди. Солиқ инспекторининг ҳатти-ҳаракати тўғрими?

ЖАВОБ: НОТЎҒРИ. Корхона солиқ ҳисоботи ёки солиқ тўлови ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга оширишда йўл қўйган хатоларини мустақил равишда тузатиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қўра, агар

солиқ тўловчи солиқ текширувидан олдин ўз хатоларини мустақил равишда тўғриласа, бу уни жавобгарликдан халос этади. Солиқ тўловчи фақатгина маълум миқдорда жарима (пеня) тўлаши мумкин холос.



САВОЛ: Қисқа муддатли текшириш ўтказаетган текширувчилар текширишни соат 12:00да бошлаб, соат 18:00га келганда текширишни тугатмаганликларини ва текшириш учун яна 3-4 соат кераклигини корхона раҳбарига маълум қилдилар. Текширувчиларнинг мазкур ҳаракати қонунийми?

ЖАВОБ: Назорат қилувчи органлар томонидан 1 иш куни давомида ўтказиладиган ва корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текшируви **иш вақти давомида** амалга оширилиши лозимдир. Фақатгина кечки ва/ёки тунги вақтларда фаолият кўрсатувчи (**текшириш кунининг соат 18-00 дан эртаси куннинг соат 6-00 гача**) корхоналарда қисқа муддатли текширишлар кечки/тунги вақтда ўтказилиши мумкин, бунда текшириш бошланган пайтдан бошлаб 8 соат давомида **АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ШАРТ**.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган қорхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 11 октябрь 2003 йилдаги 439-сонли қарори.
10. «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорига илова.
11. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
12. «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

2-БОБ: ТЕКШИРИШНИ БОШЛАШ

НИМАНИ БИЛИШ МУҲИМ?

–Текширишни бошлашдан аввал Текширувчи тадбиркорни **текшириш мақсади ва шартлари** билан таништириши лозим;

2-БОСКИЧ.

Текширишни бошлаш

–Текширишни бошлашдан аввал Текширувчи **Текширишларни рўйхатга олиш китобини** тўлдириши ва текшириш учун асос бўлувчи барча ҳужжатларни тадбиркорга тақдим этиши лозим (тегишли ҳужжатлар рўйхати бўйича мазкур қўлланма иловасидаги Чек листга мурожаат қилинг);

–Текширишларни рўйхатга олиш китобида **ўчириб ёзиш ва бўяш ТАҚИҚЛАНАДИ**;

–Текшириш асослари бўлган ҳужжатлар нусхалари тадбиркорга уларни олганлиги ҳақидаги **тилхат асосида** топширилади;

–**ДСҚнинг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси/** унинг ҳудудий бўлимлар раҳбарлари **буйруғи** асосидагина бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари ва улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларида **қисқа муддатли текшириш** ўтказилиши мумкин;

–Текширишни буйруқда **КЎРСАТИЛМАГАН** текширувчи шахс ўтказишга ҳаққи йўқ, ҳатто тадбиркорнинг розилиги бўлса ҳам;

–Текширишда фақат **аниқ белгиланган шахсларгина** иштирок этиши мумкин;

–Текширувни **бир ёки 2 ва ундан ортиқ** мансбдор шахслар ўтказиши мумкин;

–Давлат назорати органларига фақат **РУХСАТ БЕРИЛГАН** ишларни қилишга ваколат берилган бўлиб, тадбиркорларга **ТАҚИҚЛАНМАГАН** барча ишларни қилишга **РУХСАТ БЕРИЛГАН**.

Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб масалалар, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича **callcenter@chamber.uz** электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Текширувчи текшириш бошланишидан **АВВАЛ**

- тадбиркорни текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши;
- тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;
- текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим.



Текширишларни рўйхатга олиш китоби - назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш махсус китоби.



Текширишларни рўйхатга олиш китоби белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикланган, варақлар сони ва Китобни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг имзоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун – агар у мавжуд бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак.



Текширишларни рўйхатга олиш китоби Сизни ва Сизнинг бизнесингизни назорат қилувчи органларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишини эсда тутинг.



Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у **ТЕКШИРИШГА ҚЎЙИЛМАЙДИ**.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата му-

тахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **150-60-06**, Web: www.chamber.uz. Худудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутигасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТНИНГ ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИНИ ТЎЛДИРИШ ҚОИДАЛАРИ:

1. Текширувчи орган **2-7**, текширилувчи тадбиркорлик субъекти **8-12** устунларни **ТЎЛДИРИШИ ШАРТ**.

2. **Иккинчи устунда** текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда - унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. **Учинчи устунда** текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

4. **Тўртинчи устунда** аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилади.

5. **Бешинчи устунда** текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.

6. **Олтинчи устунда** текшириш турининг тўлиқ номи (**режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш**) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи

текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса - буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

7. Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган **МУДДАТДАН ОШМАСЛИГИ ЛОЗИМ**.

8. Саккизинчи устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг тадбиркорнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги фаолияти ҳақида махсус белгилар қўйилади.

9. Тўққизинчи устунда текширишнинг ҳақиқатан давом этган календар муддати кўрсатилади.

10. Ўнинчи устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда махсус белгилар қўйилади.

11. Ўн биринчи устунда текширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектига нисбатан кўрилган чоралар (**ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки бутунлай корхонани муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хомашёдан фойдаланишни таъқиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш** ва ҳ.к.) кўрсатилади.



12. Ўн иккинчи устунда тадбиркорлик субъекти раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) «**Розиман**», «**Рози эмасман**», «**Эътирозлар билан розиман**» шаклларидаги фикри кўрсатилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда тадбиркорлик субъекти раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътирозлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътирозлар келтиради. Текширишларни рўйхатга олиш китобида **ўчириб ёзиш ва бўяш ТАҚИҚЛНАДИ**. Тўғрилашлар, хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш мансабдор шахс - текшириш раҳбарининг ва тадбиркорлик субъекти раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг **имзоси билан тасдиқланади**.

Текширув ўтказаяётган мансабдор шахсларга тадбиркорлик субъектининг тегишли мансабдор шахслари, ходимлари ёки уларнинг вакиллари бўлмаган вақтда текширув ўтказиш **МАН ҚИЛИНАДИ**.

Корхонангизга текширувчи ёки текширувчилар келганида авваламбор, текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатларни **ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШНИ УНУТМАНГ!!!**

ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили))

(солиқ тўловчининг идентификация рақами)

Т/р	Назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи	Текширувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва гувоҳнома рақами	Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати), аудитор, экспертнинг Ф.И.Ш. (шахсини тасдиқловчи ҳужжат)	Текшириш ўтказиш учун асос; жиной иш рақами	Текшириш тури ва мақсади
1	2	3	4	5	6

Текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар	Текширишни бошлаш ва тугатиш сани ва вақти	Текширишнинг аниқ давом этган вақти	Талаб қилинган ҳужжатлар	Текшириш жараёнида кўрилган чоралар	Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тадбиркорнинг) фикри
7	8	9	10	11	12

Режали текширишлар/Режадан ташқари текшириш ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ҳужжат номи	Қўшимча маълумот
Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма (режали текширишлар учун) (3-сонли иловага қаранг).	Кенгаш ёки ҳудудий комиссиялар томонидан берилади (кўчирманинг ҳақиқийлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим).
Текширилаётган объект номи, текшириш мақсади, муддати ва сабаблари кўрсатилган режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор (режадан ташқари текшириш).	Кенгаш ёки ҳудудий комиссиялар томонидан қарор ёки хат шаклида қабул қилинади. Уни тегишлича Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки вилоят комиссияси раиси имзолайди. Улгуржи/чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан савдо ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини қисқа муддатли молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибда вилоят комиссия раиси ўринбосарлари (солиқ бошқармалари бошлиқлари) ёки туман комиссия ўринбосарлари (ДСИ бошлиғи) томонидан тасдиқланиши мумкин.
Муқобил текшириш ўтказиш бўйича кўзғатилган жиноий иши юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида Кенгаш ёки вилоят комиссияси қарори (муқобил текшириш).	Кенгаш ёки вилоят комиссияси томонидан қарор ёки хат шаклида қабул қилинади. Уни тегишлича Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки маълум бир ҳолатларда, вилоят комиссияси раҳбари имзолайди.
Текшириш мақсади ва муддати, текширувчилар таркиби кўрсатилган буйруқ (4-сонли иловага қаранг), (7-сонли иловага қаранг) (муқобил текшириш учун керак эмас).	Давлат назорати органи томонидан юқорида келтирилган кўчирма/қарор асосида чиқарилади.
Текшириш ўтказиш дастури (5-сонли иловага қаранг), (8-сонли иловага қаранг) ва/ёки Текшириш ўтказиш режаси.	
Белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома (6-сонли иловага қаранг).	Текширишга фақатгина аттестациядан ўтказилган, текширишга махсус гувоҳномага эга бўлган мансабдор шахслар қўйилади.
Белгиланган намунадаги шахсий гувоҳнома.	Текширувчининг шахсини тасдиқлайди ва текширув органи томонидан берилади.
Текширувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси.	Текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб қилинган тақдирда.



Текширувни **бир ёки 2 ва ундан ортиқ** мансабдор шахслар ўтказиши мумкин. Бу ҳолатда, ҳар бир мансабдор шахс ўзи тўғрисидаги маълумотларни китобда акс эттиради.

Текшириш пайтида мазкур шахсларни бошқа буйруқда кўрсатилмаган шахс билан алмаштиришга **рухсат этилмайди**, ҳатто тадбиркорлик субъектининг розилиги бўлган тақдирда ҳам.



Прокуратура, ИИБ ва МХХ органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари **фаолиятини текшириш** учун **қўзғатилган жиноий иш асос** бўлади. Бунда текширувга тадбиркорлик субъектининг фақат мазкур жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда **текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда** кўрсатилган бўлиши лозим.

ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Юқоридаги ҳужжатлар нусхалари тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбар вазифасини бажарувчи шахсга) ёки яқка тартибдаги тадбиркорга уларни олганлиги ҳақидаги **ТИЛХАТ АСОСИДА** топширилади (*9-сонли иловага қаранг*).

ТЕКШИРИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР

Текширишда қатнашиши мумкин бўлган шахслар:	
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакиллари	Агар, тадбиркор ССП аъзоси бўлса.
Аудиторлик ташкилоти – тадбиркорлик субъекти томонидан жалб қилинади	Молия-хўжалик фаолияти текширилганда жалб қилинади. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.
Аудиторлик ташкилоти /экспертлар (мутахассислар) (текширувчи томонидан жалб қилинади)	Аудиторлик текширишлари (экспертизалар) ўтказиш бўйича сарф-харажатлар текширувчи органлар ҳисобидан амалга оширилади.
Холислар	Одатда, ДСИ томонидан қисқа муддатли текширув доирасидаги ҳаракатлар амалга оширилаётганда содир этилган бирор-бир ҳолатни тасдиқлаш учун жалб этилиши мумкин.
Жамоатчилик вакиллари	Санитария назоратини амалга оширишда жалб этилиши мумкин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва бошқа манфаатдор бўлган ташкилотларнинг вакиллари

«Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг ваколатли идоралари жалб қилишлари мумкин.



Солиқ текширувининг натижасидан **манфаатдор** бўлган шахслар, вояга етмаганлар (**18 ЁШГАЧА**) солиқ органлари ходимларининг текширишида **ҳолис сифатида** иштирок этиши мумкин эмас. Холислар бирор бир тарзда текшириш жараёнида давлат назорат органига ёки тадбиркорлик субъектига кўмаклашиши мумкин эмас. Ушбу қоида бузилган ҳолда олинган далиллар хўжалик суди томонидан инобатга олинмайди.

КАЙСИ ҲОЛДА ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ УЧУН КЕНГАШ/ХУДУДИЙ КОМИССИЯНИНГ РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ?

Давлат ва жамият манфаатларини тезкор равишда ҳимоя қилишга қаратилган масалалар бўйича **РОЗИЛИК ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ**. Уларнинг тўлиқ рўйхати 10– сонли иловада келтирилган.



2010 йилда ДСҚнинг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилиб, бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобил тўхташ жойлари ва улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- бир марталик йиғимлар топширилиши;
- ижара тўлови тушуми ва тўлови тўлиқ юртилиши;
- назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилиши;
- савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши

юзасидан мазкур бошқарма ёки ҳудудий бўлимлар раҳбарлари буйруғи асосида, кейинчалик қисқа муддатли текширув бошланган кундан 1 иш куни мобайнида Кенгаш ёки унинг тегишли ҳудудий комиссиясини хабардор қилган ҳолда қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ҳуқуқига эга.

ЭСЛАТМА – ДСҚ вакиллари бу ерда **келтирилмаган асослар** бўйича текширишларни Кенгаш ёки унинг тегишли ҳудудий комиссиясининг рўхсатисиз амалга ошира олмайдилар.



Назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

–алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, шунингдек акциз маркалари мавжуд эмаслиги ёки қалбакилаштирилиши далиллари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигида бунга ваколати бўлган солиқ ва бошқа органлар томонидан муомаладан ушбу маҳсулотлар қонун билан белгиланган тартибда тезкор олиб қўйилишини амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

–Кенгаш билан келишилган объектларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган тупроқ, оқава ва ер устидаги сувларни ифлослантириш манбалари мониторинги;

–ва ҳоказо (мазкур ҳолларнинг тўлиқ рўйхати 10-сонли иловада келтирилган).

АМАЛИЁТДАН САВОЛЛАР:



САВОЛ: Тадбиркорлик субъекти унинг раҳбарияти вакиллари йўқлиги сабабли режали текширишни **бошқа муддатга қўчириши** мумкинми?

ЖАВОБ: Текшириш тадбиркорлик субъектининг далолатномани (маълумотномани) имзолашга ваколатли бўлган мансабдор шахсларининг йўқлиги сабабли бошқа муддатга **қўчирилиши мумкин**. Бундай ҳолатда тадбиркорлик субъекти текшириш бошлангунга қадар тегишли текширувчи органга текшириш муддатини қўчириш тўғрисида ариза бериши лозим. Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этган асосларга биноан тегишлича Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссияси бундай тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни, истисно ҳолларда, бошқа муддатга қўчириш тўғрисида **қарор қабул қилиши мумкин**.



САВОЛ: Савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида **тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг** мавжудлигини текшириш учун Кенгаш/ҳудудий комиссиянинг **розилиги талаб этиладими?**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг ДСЭНМ буйруғига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини **6 ойда кўпи билан бир маротаба** мониторингдан ўтказиб борилади. Мазкур мониторинг учун Кенгаш/худудий комиссияларнинг **РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ**.



САВОЛ: «Ўзстандарт» агентлиги ходимлари томонидан корхонада қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Мазкур идоранинг ходимлари **нималарни текшириш ҳуқуқига эга?**

ЖАВОБ: Тадбиркорлик субъектида **қисқа муддатли молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган текшириш 1 кундан** ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилганда қуйидаги масалалар «Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг ваколатли идоралари мансабдор шахслари томонидан текширилиши мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатларининг мавжудлигини текшириш;
- стандартларга мувофиқ равишда маҳсулотни ёрлиқланишини (маркаланишини) нг тўғрилигини текшириш;
- реализация қилинаётган маҳсулотнинг ярқоқлик муддатига риоя қилинишини текшириш;
- маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастурларнинг бажарилишини бориши;
- олдинги текширувда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни бажарилишининг бориши;
- органолептик (кўриниши, ранги, ҳиди) назоратни ва лозим бўлса, физик–кимёвий ва физик–механик синовларни ўтказиш учун намуналарни танлаб олиш;
- ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотни органолептик текшириш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш (сотиш, етказиб бериш) ни тақиқлаш ҳақида буйруқларнинг бажарилишини текшириш.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилнинг 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли қарори.
9. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
10. «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
11. «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 20 январда давлат рўйхатидан ўтказилган.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 18 июн 2010 йилдаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори.

3-БОБ: ТЕКШИРИШНИ ЎТКАЗИШ

НИМАНИ БИЛИШ МУҲИМ?

–Тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар) фаолиятини ҳар қандай **текшириш** муддати **30 календар кундан ошмаслиги** лозим. Алоҳида ҳолларда Кенгаш қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин;

–Режадан ташқари қисқа муддатли текшириш **1 кундан ошмаслиги** лозим;

–Текшириш ўтказиш пайтида текширувчилар тадбиркорлик субъекти томонидан йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш билан шуғулланади;

–Текширувчилар қонуний талабларининг тадбиркорлик субъекти томонидан **БАЖАРИЛИШИ МАЖБУРИЙДИР**;

–Текшириш ўтказиш пайтида тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва ашёларни **ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**;

–Солиқ текширувини ўтказишга тадбиркорлик субъекти томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд солиқ органи мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳудуд, бино, ҳамда жойларни кўздан кечириш учун кириши **РАД ЭТИЛГАНДА** тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялар **суд қарори асосида ТЎХТАТИБ ТУРИЛИШИ МУМКИН**;

–Тадбиркорлик субъектлари текширувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид **ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК** ҳамда текшириш ашёсига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни **ТАНИШТИРМАСЛИККА ҲАҚЛИДИР**.

ТЕКШИРУВЧИНИНГ ТАЛАБЛАРИ

Текширувчи қуйидагиларни тадбиркорлик субъектидан талаб қилиши мумкин:

–текшириш дастурига мувофиқ текшириш масалалари билан боғлиқ керакли **ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни (тушунтиришларни) олиш**;

–**солиқ текшируви** ўтказаетганда:

3-БОСКИЧ.

Текширишни ўтказиш

–тегишли ҳудудни, ишлаб чиқариш бинолари, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш;

– мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг назорат ўлчовларини ўтказиш;

– кассаларни ҳамда маҳсулот-моддий бойликлар ва ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш;

– ҳужжатларни, шу жумладан электрон ҳужжатларни, шунингдек ашёларни (маҳсулотлар, буюмлар, хом-ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини) олиб қўйиш;



Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва ашёларни **ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**. Уларни фақат суд қарори асосида олиш мумкин.



Бундай ҳужжатлар ва ашёлар тадбиркорлик субъектининг муҳри ва штампи, иш фаолияти учун муҳим бўлган компьютер воситалари, автомашиналар ёки унга тегишли ҳужжатлар бўлиши мумкин.

– тадбиркордан, тадбиркорлик субъекти раҳбарларидан ва бухгалтердан, бошқа моддий жавобгар ходимлардан **тушунтиришлар олиш**;

– таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

– савдо, маҳсулотларни бериш ва пуллик хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш;

– солиқ текширувлари ўтказилаётганда фискал хотирани назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

– тадбиркорлик субъекти томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, давлатга ўтказилиши лозим бўлган солиқлар суммасини тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги, шунингдек унга ўхшаш бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш орқали мустақил равишда аниқлаш.

ЭСЛАТМА - Давлат назорати органи мансабдор шахслари корхонагизнинг фаолиятига боғлиқ бўлган ҳужжатларни олиб қўйса, мазкур ҳужжатларнинг нусхалари ўзингизга олиб қўйишни ва берилаётган ҳужжатларнинг ҳар бир varaғини рўйхатга мувофиқ топширишни унутманг.

Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва ашёлар (тадбиркорлик субъектининг муҳри ва штампи, иш фаолияти учун муҳим бўлган компьютер воситалари, автомашиналар ёки унга тегишли ҳужжатлар, ва ҳоказо) ни **ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**. Уларни **фақат суд қарори асосида** олиш мумкин.



Солиқ текширувини ўтказишга тадбиркорлик субъекти томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд солиқ органи мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳудуд, бино, ҳамда жойларни кўздан кечириш учун кириши **РАД ЭТИЛГАНДА** тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялар **суд қарори асосида ТЎХТАТИБ ТУРИЛИШИ МУМКИН**, бундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари мустасно.

Тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қуйидаги ҳолларда солиқ органларининг **қарорлари асосида** ҳам амалга оширилиши мумкин:

-**солиқ ва/ёки молиявий ҳисоботи ўз вақтидан 15 кун кечиктирилганида;**

-**тадбиркорлик субъекти кўрсатилган манзилда бўлмаганда;**

-**ДСЭНМ текширув ўтказаетганда:** гигиена экспертизалари, лаборатория тадқиқотлари ўтказиш учун озик-овқат маҳсулотларини, буюмларни, ашёлар ва материалларни олиш, шунингдек бевосита объектларнинг ўзида, лабораторияда ва асбоблар ёрдамида зарур текширишлар ўтказиш;

-**«Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг ваколатли идоралари текшириш ўтказаетганда** стандартларни, жараёнлар, ишлар, хизматлар, маҳсулотлар (сақлаш шароитлари), шунингдек, экспорт/импорт қилинадиган ва сертификатлаштирилган маҳсулотлар, ҳамда ўлчаш ва синаш воситалари, мувофиқлик сертификатининг ва тегишли ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туман-лар давлат солиқ инспекциялари. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти давлат солиқ хизмати органи ҳисобланмасдан, балки прокуратура органи ҳисобланади.

Одоб-ахлоқ меъёрлари - ҳар бир давлат назорати органи ходими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юритиш билан бир қаторда, халқимизга хос бўлган одоб-ахлоқ ва маънавий меъёрларига риоя қилиши талаб этилади (11-сонли иловага қаранг).



Экспорт-импорт маҳсулотларининг сифати, шунингдек, унинг шартномалар талабларига **мувофиқлиги текширилганда, мувофиқлик сертификатининг ва маҳсулотда давлат тилида керакли маълумотнинг мавжудлиги текширилади.**



Назорат органлари мансабдор шахсларининг қонуний талаблари тадбиркорлик субъекти томонидан **БАЖАРИЛИШИ МАЖБУРИЙДИР.**

Тадбиркорлик субъектлари текширувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид **ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК** ҳамда текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни **ТАНИШТИРМАСЛИККА ҲАҚЛИДИРЛАР.**

ТЕКШИРУВЧИ ҚҲЙИДАГИЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШИ ШАРТ:

- Тадбиркорлик субъектлари ишлашига халал бермаслик ва аралашмаслик;
- Давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш.

Бундан ташқари текширувчи оддий бўлган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиши лозим бўлади.

ТЕКШИРИШНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ

Тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар) фаолиятини ҳар қандай **текшириш** муддати **30 календар кундан ошмаслиги** лозим. Алоҳида ҳолларда Кенгаш қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни **30 календар кундан ортиқ** муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Режадан ташқари қисқа муддатли текшириш 1 кундан ошмаслиги лозим. Мазкур муддат фақатгина Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси, шунингдек баъзи ҳолларда, Кенгашнинг туман ва шаҳарлар бўйича ҳудудий комиссияларининг қарори бўйича узайтирилиши мумкин.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **232-09-01**, Факс: (998-71) **232-09-03**, E-mail: info@chamber.uz, secretariat@chamber.uz, Web: www.chamber.uz. Худудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.



Тадбиркорлик субъектлари (юримдик шахслар) фаолиятини ҳар қандай **текшириш** муддати **30 календар кундан ошмаслиги** лозим. **Режадан ташқари қисқа муддатли текшириш 1 кундан ошмаслиги** лозим.

АМАЛИЁТДАН САВОЛЛАР:



САВОЛ: Солиқ текшируви давомида ҳужжатларни ва ашёларни ДСИ идораси олиб қўядиган бўлса, тадбиркорлик субъекти вакилларига қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

ЖАВОБ: Ушбу ҳужжатларнинг нусхаларини ўзингизга олиб қўйишни ва берилаётган ҳужжатларнинг ҳар бир варағини **рўйхатга мувофиқ** топширишни **УНУТМАНГ**. Ашёларнинг ҳам **рўйхатини тузиб**, унда ашёларнинг номини, сонини, ўзига **хос хусусиятини**, идишидаги **рақамларини** ва бошқа фарқловчи жиҳатларини акс эттиринг. Агар имконият бўлса, ушбу ашёларни **фото суратга** (ҳозир барча уяли телефонларда фото суратга олиш имконияти бор) олиб ўзингизга сақлаб қўйинг.



САВОЛ: Солиқ, ёнғин хавфсизлиги органлари, санитария-эпидемиология хизматлари ва бошқа текширувчи идораларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги **тўлиқ маълумотларни қаердан олса бўлади?**

ЖАВОБ: Давлат назорат қилувчи органларининг ваколатлари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг марказий аппаратлари ва

худудий бўлинмаларидан олса бўлади. Назорат қилувчи органларнинг вилоятлардаги бўлинмаларининг манзили ва мулоқот телефонлари 12 – сонли иловада келтирилган. Бундан ташқари, ҳар бир давлат назорати органига тегишли қонун ҳужжатларидан олиш мумкин.



САВОЛ: ДСЭНМ идораси мансабдор шахслари текшириш пайтида ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳаққи борми?

ЖАВОБ: Баъзи давлат назорати органлари (мисол, **соғлиқни сақлаш вазирлиги**) ўзларининг мансабдор шахсларига текшириш объектига тааллуқли бўлган **барча ҳужжатларнинг асл нусхаларини** олиб қўйишни ҳам **ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙГАНДИРЛАР**.



САВОЛ: ДСИга солиқ хисоботларини тақдим этгандан сўнг, тадбиркорлик субъекти бухгалтери хисоботларда солиққа тортилувчи базани шаклланишига таъсир этувчи хатога йўл қўйилганини аниқлади. Солиқ хисоботларини қайтадан тайёрлаб ДСИга топширмакчи бўлганда ДСИ инспектори ушбу тадбиркорлик субъектида яқин орада режалаштирилган текширув ўтказилиши, ушбу текширув жараёнида барча хатолар жарималар қўллаган ҳолда тўғриланиши сабабли, қайтадан тайёрланган солиқ хисоботларини қабул қилишни рад этди. ДСИ инспекторининг ҳаракатлари қонунийми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддаси 1-қисми 7-абзацига асосан ДСИ инспекторининг рад жавоби солиқ тўловчининг солиқ базасини аниқлашда йўл қўйилган хатоларни ихтиёрий равишда тўғрилаши ҳуқуқини бузаяпти. Солиқ кодексининг 109-моддасига асосан солиқ текшируви бошланишидан аввал хатоларни ихтиёрий равишда тўғрилаш солиқ тўловчини жавобгарликдан озод этади, бундан пеня тўлови мустасно.

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори.
9. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
10. «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

4-БОБ: ТЕКШИРИШНИ ТУГАТИШ

НИМАНИ БИЛИШ МУҲИМ?

–Текширишни тугатиш текширишнинг **охирги актив босқичи**;

–Текшириш натижалари икки асосий ҳужжат **Далолатнома ва Текширишларни рўйхатга олиш китоби** билан расмийлаштирилади;

4-БОСКИЧ.
Текширишни тугатиш

–Далолатномада ҳужжатлар билан тасдиқланмаган маълумотлар ва хулосаларни келтириш, сўзларни **ҚИСҚАРТИРИБ ЁЗИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**;

–Тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки раҳбар вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор **текширув далолатномаси** билан **танишиб, уни имзолаши лозим**;

–Далолатнома **3 нусхада** тузилади ва имзоланади;

–Далолатномани тадбиркорлик субъекти томонидан имзоламаслик **мақсадга мувофиқ эмасдир**, чунки имзоламаслик далолатноманинг юридик кучини йўқотмайди;

–Текширув ўтказилганда далолатнома тузилмаган ҳолларда **ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛМАГАН** ва мавжуд **ҲУҚУҚБУЗАРЛИК АНИҚЛАНМАГАН** деб ҳисобланади;

–Текширувчилар раҳбари ва тадбиркорлик субъекти раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор) **Текширишларни рўйхатга олиш китобида** қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг **имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар**.



Далолатномани тадбиркорлик субъекти томонидан имзоламаслик **мақсадга мувофиқ эмасдир**, чунки имзоламаслик далолатноманинг юридик кучини йўқотмайди.

Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан **рози эканлигини англатмайди**.

ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Текширишлар натижалари **далолатнома** (маълумотнома) билан, зарур ҳолларда эса – аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги

кўрсатма билан ҳам расмийлаштирилади. Далолатнома камида **3 нусхада** тузилади, ва уччала нусха бир хил юридик кучга эга бўлади.

Далолатномада текширув дастуридаги бандларга тааллуқли маълумотлар алоҳида банд шаклида баён этилади.

Далолатномадаги ёзувлар объектив фактларга асосланиши, аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар аниқ **ва лўнда ёзилиши**, қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қайси банди бузилиши аниқланганлиги **кўрсатилиши ШАРТ**.



Далолатномада тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган маълумотлар ва хулосаларни келтириш, сўзларни **ҚИСҚАРТИРИБ ЁЗИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ**.

ТЕКШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиб унда мазкур маълумотлар кўрсатилиши керак:

ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

Ўтган ва шу йилги текширишларнинг қисқача натижалари (фақат текширилаётган объектлар бўйича), масалан, шикоятлар, даъволар, кўрилган чоралар, охириги 12 ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, кўрсатманинг бажарилиши ҳақидаги маълумот, жарималар, қонун бузилишини олдини олиш бўйича таклифлар ва режалар (масалан, санитария қоидаларни бузилиши сабабларини тугатиш бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар режалари) акс этирилади.

ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ

ҚИЛИНИШИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Бунда рию этилиши текширилган қоидаларнинг белгиланиши, номи ва текшириш натижалари (масалан, текширишда аниқланган бузилишлар), ҳамда бошқа муҳим маълумотлар киритилади (масалан, текширилган маҳсулотни охириги даврий синов натижалари ҳақида маълумотлар).

ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛИШИ САБАБЛАРИ

Объектив сабаблар (мисол, кредиторлик ёки дебиторлик қарзлари, бирор ҳолатнинг ўзгарганлиги, шартнома бажарилмаганлиги, раҳбар ёки бошқа ваколатли шахснинг касаллиги ва ҳоказолар) ва бошқа асосли сабаблар кўрсатилиши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

Қонунчиликка риоя қилиш ҳақида қисқача хулоса берилади, илова қилинадиган ҳуқуқий чоралар санаб ўтилади, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар берилади, жавобгар мансабдор шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилишларни бартараф этишни назорат қилиш муддати (назорат тартибдаги текшириш) (одатда ушбу муддат 10 кундан ошмайди, баъзи ҳолатларда кўп муддат талаб қилиниши мумкин) кўрсатилади.

ИЛОВАЛАР

Илова қилинадиган ҳужжатлар, улардаги варақлар сони аниқ кўрсатилади. Текширув вақтида олинган ва далолатномадаги фактларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларнинг нусхалари (қонунчилик бузилишлари тўғрисидаги баённомалар, сертификатлар нусхалари в.ҳ.), айрим мансабдор шахсларнинг тушунтириш хатлари, текширувга тегишли бошқа ҳужжатлар (давлат назорати органи буйруғининг нусхаси ва ҳоказо) нусхалари тузилган далолатномага илова сифатида берилади. Бундан ташқари намуналар танлаб олиш далолатномалари, синов баённомалари, кўрсатманомалар, далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ташкилий–техник тадбирлар ва бошқалар илова қилиниши мумкин.



Далолатномага қўшимча равишда киритилган ҳар бир тузатиш ва тўлдириш текширувчиларнинг барчаси имзолари билан **ТАСДИҚЛАНИШИ ШАРТ.**

Далолатноманинг уччала нусхаси текширувчилар томонидан имзоланади ва тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, яқка тартибдаги тадбиркорга имзолаш учун берилади.

Тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки раҳбар вазифасини бажарувчи шахс, яқка тартибдаги тадбиркор **текширув далолатномаси** билан **танишиб, уни имзолайди**. Агар унинг томонидан маълумотномадаги далилларга эътироз бўлса, ушбу ҳақида далолатнома остида айрим ёзув киритилади ва унинг имзоси билан тасдиқланади.

Далолатноманинг бир нусхаси хўжалик юривчи субъект раҳбарига ёки унинг вазифасини

Далолатномани имзоламаслик мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки имзоламаслик далолатноманинг юридик кучини йўқотмайди. Бундан ташқари, бу ҳолат текширувчи мансабдор шахс томонидан руҳий жиҳатдан салбий муносабатга ва натижада маълум келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

бажарувчи шахсга, якка тартибдаги тадбиркорга топширилади. Далолатнома остида унинг бир нусхасини олган шахс имзоси қўйилади.

Тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор далолатнома билан танишиб чиққанлиги ва ҳужжатнинг бир нусхасини олганлиги тўғрисида ушбу ҳужжат остида ўз имзосини қўйишдан **БОШ ТОРТГАН ҲОЛЛАРДА** далолатнома остида ушбу ҳолат ҳақида тегишли ёзув кирилади ва у текширувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Агар тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор далолатномани имзолашдан бош тортса, далолатноманинг бир нусхаси назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки жисмоний шахс номига буюртма почта алоқаси орқали юборилади.

Яхшиси мавжуд
эътироз-ларингизни
ёзма равишда далолат-
номанинг пастиди
*(алоҳида тоза қоғозга
эмас)* кўрсатиб ўтинг.
Агар далолатнома
билан умуман рози
бўлмасангиз, унда
**«МЕН ДАЛОЛАТНОМА
БИЛАН УМУМАН РОЗИ
ЭМАСМАН»** деб кўрсатиб
ўтинг. Агар далолатнома
бир нусхада тузилса,
шу жойнинг ўзида
далолатноманинг ушбу
нусхасида далолат-
нома бир нусхада
тузилганлиги ёзма
кўрсатиб ўтинг.

Текширув ўтказилганда далолатнома тузилмаган ҳолларда **ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛМАГАН** ва мавжуд **ҲУҚУҚБУЗАРЛИК АНИҚЛАНМАГАН** деб ҳисобланади.

Шунинг учун давлат назорат органининг тадбиркорлик субъектини текширув натижасида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги **қарори текширув далолатномасига асосланмаган бўлса**, бу ҳолат ушбу **қарорни ҲАҚИҚИЙ ЭМАС** деб топиш ёки **молиявий санкция қўллашни РАД ЭТИШ** учун асос бўлади, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қуйидаги моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно:

– **давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш** (113-моддаси);

– **солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш** (115- моддаси);

– **ҳисоб-варақ фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш** (118-моддаси);

– **солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш** (120-моддаси).

Текшириш тугагандан сўнг, далолатномадан ташқари, **Текширишларни рўйхатга олиш китобининг** қолган 9-12 устунлари тадбиркорлик субъекти то-

монидан тўлдирилади. Текширувчилар раҳбари ва тадбиркорлик субъекти раҳбари (корхона раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахс, яқка тартибдаги тадбиркор) мазкур китобда қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар. Тадбиркорлик субъектининг **Текширишларни рўйхатга олиш китобини** тўлдириш қоидалари юқорида 2-босқич (*Текширишни бошлаш*) бўлимида кўрсатилган.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **232-09-01**, Факс: (998-71) **232-09-03**, E-mail: info@chamber.uz, secretariat@chamber.uz, Web: www.chamber.uz. Ҳудудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.



Текширув ўтказилганда далолатнома тузилмаган ҳолларда **ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛМАГАН** ва мавжуд **ҲУҚУҚБУЗАРЛИК АНИҚЛАНМАГАН** деб ҳисобланади.

Шунинг учун давлат назорат органининг тадбиркорлик субъектини текшириш натижасида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори текширув далолатномасига асосланмаган бўлса, бу ҳолат ушбу қарорни **ҲАҚИҚИЙ ЭМАС** деб топиш ёки молиявий санкция қўллашни РАД ЭТИШ учун асос бўлади.

АМАЛИЁТДАН САВОЛЛАР:

САВОЛ: Ёнғин хавфсизлиги идораси текширувчилари корхонани текширишни бошлаганда Текширишларни рўйхат олиш китобини текшириш тугагандан сўнг ёппасига ҳаммасини тўлдириши ҳақида тадбиркорлик субъекти вакилларига хабар бердилар. Мазкур текширувчиларнинг даъволари тўғрими?

ЖАВОБ: Текширувчилар Текширишларни рўйхат олиш китобининг **2-9-устунларини** текшириш бошланишидан аввал тўлдириши шарт. Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобининг мазкур бандларини тўлдиришдан бош тортса, у **ТЕКШИРИШГА ҚҰЙИЛМАЙДИ**. Бу авваламбор, текширишнинг аниқ муҳлатини белгилашга, ҳамда текширувчи мансабдор шахс ўз ваколати доирасида ҳаракат қилаётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу китобнинг қолган устунлари текшириш якунлангандан сўнг, текшириш тарафлари томонидан тўлдирилади.



САВОЛ: Тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор далолатномани **имзоламаслиги мумкинми?**

ЖАВОБ: Албатта, тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, якка тартибдаги тадбиркор далолатномани имзоламаслиги мумкин. Аммо, далолатномани имзоламаслик **мақсадга мувофиқ эмасдир**, чунки имзоламаслик далолатноманинг юридик кучини йўқотмайди. Бундан ташқари, бу ҳолат текширувчи мансабдор шахс томонидан руҳий жиҳатдан салбий муносабатга ва натижада маълум келишмовчиликларга олиб келиши мумкин. Яхшиси мавжуд эътирозларингизни ёзма равишда далолатноманинг пастиди (**алоҳида тоза қоғозга эмас**) кўрсатиб ўтинг. Эътирозларингизнинг сабабини кўрсатиб ўтишингиз шарт эмас. Мазкур сабабларни кейинчалик адвокатингиз ёки Савдо-саноат палатаси вакили билан бирга ишлаб чиқиб, давлат назорати органига ёки судга тақдим қилишингиз мумкин. Агар қонунчилик ҳужжатининг қайси меъёри давлат назорати органи мансабдор шахси томонидан бузилаётганлиги Сизга маълум бўлса, уни ҳам ўз ёзма эътирозларингизга қўшиб қўйинг. Агар далолатнома билан умуман рози бўлмасангиз, унда **«МЕН ДАЛОЛАТНОМА БИЛАН УМУМАН РОЗИ ЭМАСМАН»** деб кўрсатиб ўтинг. Агар далолатнома бир

нусхада тузилса, шу жойнинг ўзида далолатноманинг ушбу нусхасида далолатнома бир нусхада тузилганлиги ёзма кўрсатиб ўтинг. Солиқ текшируви далолатномаси камида уч нусхада тузилади. Солиқ текшируви далолатномасининг барча нусхалари давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказаетган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади. Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози эканлигини англатмайди. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтгач, солиқ тўловчига топширилган ҳисобланади. Солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун солиқ текшируви тугалланган кун ҳисобланади.

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори.
8. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
9. «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 18 июнь 2010 йилдаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори.

5-БОБ: ТЕКШИРИШДАН КЕЙИН

НИМАНИ БИЛИШ МУҲИМ?

–Текширувчи текшириш тугаганидан сўнг **10 кун муддат** ичида текшириш далолатнома-сининг **бир нусхасини** тадбиркорлик субъектига юборади;

–Текширишдан сўнг, текширувчилар текшириш натижалари асосида тадбиркорлик субъектига нисбатан **жазо чораларни кўришлари** ёки **кўрмасликлари мумкин**;

–Кўриладиган чоралар авваламбор тадбиркорлик субъекти томонидан **ихтиёрий равишда** бажарилишга имкон берилади. Агар тадбиркорлик субъекти ихтиёрий бажаришга рози бўлмаса, назорат органи чораларни мажбурий равишда суд орқали амалга оширишга ҳаракат қилади;

–Тадбиркор ва корхоналарга нисбатан **маъмурий ва молиявий чораларни** қўллаш назарда тутилган;

–**Маъмурий жазо** чоралари корхонанинг маъсул шахсларига нисбатан, **молиявий жазо** эса бевосита корхона ва якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан қўлланилиши мумкин;

–**Молиявий жазо** чоралари **жарима ва пеня** шаклида амалга оширилади;

–Нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки текшириш тартибини бузган назорат органи мансабдор шахслари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин;

–Тадбиркорлик субъектининг айбини судда назорат қилувчи орган исботлаши лозим, яъни тадбиркорлик субъекти ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас.



Тадбиркор ва корхоналарга нисбатан **маъмурий ва молиявий чораларни** қўллаш назарда тутилган. **Маъмурий жазо** чоралари корхонанинг маъсул шахсларига нисбатан, **молиявий жазо** эса бевосита корхона ва якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан қўлланилиши мумкин. **Молиявий жазо** чоралари **жарима ва пеня** шаклида амалга оширилади.

Текширувчи мансабдор шахслардан текшириш тугаганидан сўнг **10 кун муддат** ичида текшириш далолатнома (маълумотнома)сининг **бир нусхасини** тадбиркорлик субъектига юборади.

5-БОСКИЧ.

Текширишдан кейин

СОЛИҚ ОРГАНИ ЧОРАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ


Солиқ текшируви натижалари давлат солиқ органининг раҳбари ёки ўринбосари томонидан текширув тугагандан эътиборан **15 иш кунидан** кечиктирмасдан кўриб чиқилади ва бундан кейин **5 иш кунидан** кечиктирмасдан куйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши лозим:



Қарор нусхаси **2 иш кун** ичида тилхат орқали ёки бошқа усул орқали корхонага топширилади. Агар тадбиркорлик субъектига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан **3 кун** ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти давлат солиқ органи қарорининг нусхаси олгандан эътиборан **30 кун** ичида куйидагилардан бирини амалга ошириш мумкин:

Солиқ текшируви - давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.



Тадбиркорлик субъекти солиқларни, тўловларни ва пеняни **тўламаса ёки тўлашни рад этса**, давлат солиқ органи ушбу суммаларни мажбурий равишда ундириш чораларини кўради, яъни **суд тартибид**а ундириши мумкин.



Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқбузарлик асосида топган товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш фақат **суднинг қарори асосида** амалга оширилиши мумкин.



Тадбиркорлик субъекти қарорда кўрсатилган солиққа оид **ҳуқуқбузарликларни бартараф этса** ҳамда солиқлар, тўловлар ва пеняни **тўласа**, давлат солиқ хизмати органи қарорининг солиқ тўловчига нисбатан қўлланиладиган жарима қисми **БЕКОР ҚИЛИНГАН ҲИСОБЛАНАДИ**. Мазкур қоида:

– кирим қилинмаган **маҳсулотларни сақлаш** ёхуд маҳсулотларни (хизматларни) сотишдан тушган **тушумни яшириш**;

– фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи **ҳужжатларсиз шуғулланиш**;

– фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида **фойдаланиш тартибини бузиш** каби ҳолларга **ТАТБИҚ ЭТИЛМАЙДИ**.

ДСЭНМ КЎРАДИГАН ЧОРАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ

Тадбиркорлардан йўл қўйилган санитария ва гигиена қоидалари бузилишига барҳам беришни **ТАЛАБ ҚИЛИШ**.

Корхонанинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан қуйидагиларни талаб қилиши мумкин:

– **юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни вақтинча ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ**

– **юқумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИШ**

– санитария ва гигиена қоидалари бузилишига барҳам берилгунгача ишлаб чиқариш объектларида, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини **ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ**, ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни **ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИШ**

– санитария ва гигиена қоидалари бузилган тақдирда бинолар ва иншоотлар қурилишини, уларни қайта қуришни ҳамда мазкур объектларда айрим иш турларини амалга оширишни **ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ**

–Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун **хавфли** деб топилган янги хом-ашё турларини, кимёвий моддаларни, технология ускуналарини, жараёнларини ва асбобларини, озик-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёсини, саноат буюмларини, қурилиш материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, биология воситаларини, озик-овқат хом-ашёси, озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларга ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер ва бошқа материалларни, улардан тайёрланган буюмларни ва бошқа халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни, қўллашни ва сотишни **ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИШ**

–хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашда, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш чоғида кимёвий моддаларни қўллашни, одамлар саломатлигига зарарли бўлган қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган ва тартибга соладиган дориларни, пестицидларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини қўллашни бу моддалар ва материалларни ишлаб чиқувчи уларнинг **хавфли эмаслиги** ҳақида **илмий асосланган маълумотлар**ни тақдим этгунигача **ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИШ**

–сув истеъмоли учун **яроқсиз** деб топилганда ундан ичиш ва хўжалик мақсадларида фойдаланишни **ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИШ**



Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини **ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ** суд тартибидан амалга оширилади, **фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар** ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа **реал хавф** юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда **10 иш кунидан кўп бўлмаган** муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Фавқулодда вазият

- одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки аτροφ табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **150-60-06**, Web: www.chamber.uz. Худудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Тадбиркорларга кеча-куни турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат кутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.



Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига амал қилинади, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар **тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.**

Ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун тадбиркорга **суд томонидан** қуйидаги **маъмурий жазо** чоралари қўлланилиши мумкин:

МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ:

–ЖАРИМА;

–маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан **ОЛИБ ҚЎЙИШ**;

–маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни **МУСОДАРА ҚИЛИШ**;

–муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) **МАҲРУМ ЭТИШ**;

–маъмурий қамоққа олиш (3 суткадан 15 суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – 30 суткагача муддатга қўлланилади).

МОЛИЯВИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ:

–ЖАРИМА;

–ПЕНЯ

Молиявий жазо чоралари (санкциялар) фақат корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларга **суд томонидан қўлланилади**, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айбини тан олган тақдирда, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан **беш иш кунидан кечиктирмасдан** давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни кўрсатган ҳолда) ихтиёрий равишда тўлаш учун зарур бўлган муддат бериш тўғрисида мурожаат қилади. Жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари аризани олган кундан эътиборан **икки иш кунидан кечиктирмасдан** солиқ тўловчи томонидан сўралган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак. Мазкур қарорнинг нусхаси солиқ тўловчига тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи қарор нусхасини олган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали топширилади. Агар солиқ тўловчига қарорнинг нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатиладиган уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Солиқ тўловчи содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги **даъво аризаси** билан **судга** мурожаат қилади. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ушбу боб қоидаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан бекор қилиниши ёки мазкур қарорнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

Солиқ қонунчилигини бузиш тури	<p style="text-align: center;">МОЛИЯВИЙ ЖАЗОЛАР Солиқ кодекси (113 -121-моддалар)</p>
<p>Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш</p>	<p>Агар фаолият кўпи билан 30 кун амалга оширилган бўлса, - ЭКОИХнинг 50 баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;</p> <p>Агар фаолият 30 кундан ортиқ амалга оширилган бўлса, - ЭКОИХнинг 100 баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда.</p>
<p>Кирим қилинмаган маҳсулотларни сақлаш ёхуд маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)</p>	<p>Кирим қилинмаган маҳсулот қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди, ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.</p> <p>Ушбу моддани қўллаш мақсадлари учун маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотилганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш қайдномаларида акс эттирилмаганлиги; – маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги; <p>ҳисобда сотилмаган деб кўрсатилган маҳсулотларнинг омборда ёки сотиш жойида мавжуд эмаслиги.</p>

<p>Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш</p>	<p>Солиқ тўловчи - жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик - муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 1 фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
<p>Бухгалтерия ҳисобини юриштиш тартибини бузиш</p>	<p>Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик, ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келганда - юридик шахс - солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган тушум миқдорининг 1 фоизи миқдорида, бироқ ЭКОИХнинг 50 баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.</p>
<p>Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш</p>	<p>Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш – фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ ЭКОИХнинг 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>

<p>Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш</p>	<p>Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик – маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт. Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.</p>
<p>Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибини бузиш</p>	<p>Фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва/ёки тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни сотганлик ва хизматлар кўрсатганлик – ЭКОИХнинг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин 1 йил ичида содир этилганда - ЭКОИХнинг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик – ЭКОИХнинг 100 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин 1 йил ичида содир этилганда - ЭКОИХнинг 200 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.</p>

<p>Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш</p>	<p>Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш - тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Юридик шахс - тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.</p>
<p>Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш</p>	<p>Ер участкаларидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солиғининг суммасига эквивалент миқдорда:</p> <ul style="list-style-type: none"> –юридик шахсларга - 2 баравари миқдорида; –жисмоний шахсларга – 1,5 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ДАЛОЛАТНОМАДАН НОРОЗИ БЎЛСА КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ МУМКИН?

Тадбиркорлик субъекти давлат назорат органининг қароридан норози бўлса:

Ушбу назорат органини **юқори турувчи идорасига** қарорни (бутунлай ёки қисман) **БЕКОР ҚИЛИШНИ** сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Хўжалик судига қарорни (бутунлай ёки қисман) **ҲАҚИҚИЙ ЭМАС** деб топишни сўраб ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъекти ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Бош прокуратурасига, Савдо-саноат палатасига ва уларнинг ҳудудлардаги бўлинмаларига мурожаат қилиш тавсия этилади (6-бобга қаранг).

ТЕКШИРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Текширувчи тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун **шахсан жавобгар** бўлиши мумкин, жумладан:

– текширишнинг тегишли асослар мавжуд бўлмаган ҳолда ўтказилганлиги

– текшириш ваколат ва асосларга эга бўлмаган шахслар томонидан ўтказилганлиги

– тадбиркорлик субъектига текширишларни мувофиқлаштириш **режасидан кўчирманинг**, назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш ҳақидаги **буйруқ ва режанинг**, агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилаётган бўлса, **тергов органи қарорининг**, шунингдек текшириш натижаси юзасидан тузилган **далолатноманинг** тақдим этилмаганлиги

текширишнинг предмети, муддати ва ваколат доирасидан четга чиқиб ўтказилганлиги **қонун меъёрларининг бузилиши ҳисобланади**

Текширувчилар, аудиторлик ташкилотлари ва/ёки экспертларга тадбиркорлик субъектини текшириш билан боғлиқ ҳолда маълум бўлган тижорат сирларини тарқатган-ликлари учун маъмурий жавобгарликка, яъни фуқароларга ЭКОИХнинг 1/2 қисмидан 2 бараваригача, ман-сабдор шахсларга эса - 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Бунда **текширувчи** қуйидаги **жавобгарликларга** тортилиши мумкин:
 – **камида 1 йил муддатга** текширувга чиқиш имконидан маҳрум қилиниши мумкин;

– **маъмурий жавобгарликка** ва ҳатто, **жиноий жавобгарликка** тортилиши мумкин.

АМАЛИЁТДАН САВОЛЛАР:



САВОЛ: Текшириш пайтида ҳуқуқларим бузилса, кимга ўз ҳуқуқларимни тиклаш учун мурожаат қилишим мумкин?

ЖАВОБ: Ҳар қандай ноқонуний текшириш назорат қилувчи органнинг айбдор мансабдор шахсини **муқаррар жавобгарликка** тортилишига олиб келади.

Ҳуқуқлари бузилган тадбиркорлик субъекти текширувчи назорат органнинг юқори **турувчи органга** ёки/ва **судга ариза билан мурожаат** қилиши мумкин. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти **Адлия вазириликка/унинг ҳудудлардаги бошқармаларига** ҳам ариза бериши мумкин. Жиноят аломатлари (товламачилик, фирибгарлик, таъмагирлик ва бошқалар) бўлганда эса, тадбиркорлик субъекти **ички ишлар ёки прокуратура органларига** ариза билан мурожаат қилиши мумкин.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Манзил: **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси**, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **150-60-00**, Факс: (998-71) **232-09-03**, E-mail: info@chamber.uz, secretariat@chamber.uz, Web: www.chamber.uz. Ҳудудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



САВОЛ: **РУХСАТСИЗ ТЕКШИРУВ ЎТКАЗГАН** мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳолати бўйича амалиётдан мисол келтириш мумкинми?

ЖАВОБ: Термез туманида якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи, гўшт сотиш дўконига савдо қилиб турган тадбиркор Х.О. тўсатдан дўконга кирган текширувчиларни кўриб, бир муддат саросимага тушиб қолди. «Намуна» ветеринария участкаси бошлиғи Ў.Ё. вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходими Х.А.лар тадбиркор Х.О.га қарашли гўшт сотиш дўконини шошилмасдан кўздан кечиришди. Керакли ҳужжатларни ҳам обдон ўрганиб, якка тартибдаги тадбиркорни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 109-моддасига (ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш) асосан 14 минг сўмга жаримага тортиш тўғрисида тегишли даъвономалар тузиб, имзо чекишди. Тадбиркор ҳам қўрилмаган текширув натижасига айтишсанг сўз чиқади, тортишсанг кўз, қабилида ёндашиб, жарима тўлашни ўз зиммасига олди. Лекин, ушбу текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ҳудудий комиссияси рухсатсиз ўтказилаётганлигини тадбиркор билмасди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текширувда ушбу ноқонуний ҳаракатларнинг миси чиқди. Бошқарма томонидан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, унга кўра киритилган тақдимномага асосан Термиз тумани ветеринария бўлими бошлиғи А.М.га нисбатан «хайфсан» интизомий жазоси қўлланилиб, бошқарма бошлиғининг шу йил 19 мартдаги қарори билан тадбиркор **Х.О.ни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, ноқонуний ундирилган маблағ унга қайтарилди.** Шунингдек, тадбиркорлик субъектида рухсатсиз текшириш ўтказган Термиз тумани ветеринария бўлими ходими Ў.Ё. туман ветеринария бўлимининг шу йил 22 мартдаги 10-сонли буйруғи билан эгаллаб турган **лавозимидан озод этилди.**

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори.
9. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
10. «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 210-сонли Қарори.

6-БОБ: ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

КЕНГАШ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАРИ

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ (КЕНГАШ)

Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш соҳасида марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгашнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текширишларни ўтказиш юзасидан чиқарган қарори давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган барча органлар учун мажбурийдир.

КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

– корхоналар фаолиятида текширишлар ўтказиш масалалари бўйича назорат қилувчи органларнинг **фаолиятини мувофиқлаштириш**;

– текширишларни, жумладан назорат қилувчи органлар фаолиятида бир-бирини такрорлашни олдини оладиган **комплекс текширишларни мувофиқлаштириш режаларини ишлаб чиқиш**;

– корхоналар фаолиятида ўтказиладиган текширишларнинг умумий сонини қисқартириш ва тартибга солиш мақсадида текширишларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича **чора-тадбирларни ишлаб чиқиш**;

– текширишларни ўтказиш режасига риоя қилиниши юзасидан **назорат қилувчи органларнинг фаолиятини назорат қилиш**.

ЭСЛАТМА - Адлия идораларининг талаблари назорат қилувчи органлар томонидан бажариш учун **МАЖБУРИЙДИР**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1. Агар Сиз текшириш пайтида ҳуқуқларингиз бузилган деб ҳисобласангиз қонунбузарлик ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига** ёки **унинг жойлардаги бошқармаларига** хабар **ҚИЛИШИНГИЗ ЗАРУР**. Мурожаат оғзаки (ишонч телефонларига қаралсин) ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Мурожаатда қорхона манзили, қонунбузарлик содир этилган вақт ва Сиз қайси назорат қилувчи органнинг ҳаракатларидан норози эканлигингизни кўрсатиш зарур.

2. Сизнинг аризангиз ўрганиб чиқилгандан сўнг, адлия идораси ходими назорат қилувчи органга боради ва эътирозга сабаб бўлган ҳаракатлари билан боғлиқ барча ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқади.

3. Назорат қилувчи органда текшириш билан боғлиқ барча ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, адлия идораси ходими ариза муаллифидан унинг норозилиги нималардан иборатлигини, унинг фикрича, назорат қилувчи орган томонидан қайси ҳолларда қонунбузишликка йўл қўйилганлигини батафсил аниқлайди. Иш бўйича барча ҳолатлар аниқлангандан кейин адлия идораси мурожаатнинг асослилиги ва текшириш жараёнида қонунбузарлик қолати мавжудлиги масаласини ҳал этади.

4. Агар назорат қилувчи орган томонидан қонунбузарлик ҳолатига йўл қўйилган бўлса, **адлия идораси қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:**

– назорат қилувчи органнинг раҳбарига аниқланган қонун ҳужжатларининг бузилиши, бузилиш сабабларини ва сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек назорат қилувчи органнинг ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган мансабдор шахсини жавобгарликка тортиш ҳақида **ТАҚДИМНОМА КИРИТАДИ;**

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи **ҲАРАКАТЛАРИНИ ЁКИ ҚАРОРЛАРИНИ ТЎХТАТИШ ҚЎЯДИ;**

– тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни **ЁЗМА РАВИШДА ОГОҲЛАНТИРАДИ**. Агар, текшириш давридаги қонунбузарликда жиноят аломатлари мавжуд бўлса, адлия идораси ушбу ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказди.

5. Агарда, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига зарар етказилган бўлса, адлия идораси тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни мансабдор шахсдан ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

–янги ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни **қўллаб-қувватлаш** бўйича барча қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

–**тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**, хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

–назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, **тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш**;

–тадбиркорларнинг фаолиятига **ноқонуний аралашиш**, давлат тузилмалари ва мансабдор шахслари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан зимдан қаршилик кўрсатиш бўйича барча ҳолатлар мониторингини амалга ошириш. **Ҳар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиш.**



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги "IShONCh TELEFONI"га - 008 қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Адлия идораларининг мутахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Манзил: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Телефон: (998-71) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, Факс: (998-71) 233-48-44, E-mail: info@minjust.gov.uz, Web: www.minjust.uz. Ҳудудий бошқармалар ишонч телефонлари 13-сонли иловада келтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки/ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Палата му-

тахассислари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон: (998-71) **150-60-00**, Факс: (998-71) **232-09-03**, E-mail: info@chamber.uz, secretariat@chamber.uz, Web: www.chamber.uz. Худудий бошқармаларнинг алоқа телефонлари “Фойдали алоқалар” бўлимида келтирилган.



Савдо саноат палатаси аъзоларининг (корхоналарнинг) фаолиятини текшириш уларнинг **вакиллари** иштирокида амалга оширилиши мумкин.

ПАЛАТАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

– Ўзбекистон Республикасида тadbиркорликни, энг аввало **кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш**;

– тadbиркорларга кенг турдаги **хизматлар кўрсатиш**, шу жумладан **ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш**;

– тadbиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган меъёрларини **жорий қилиш**, тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш **чора-тadbирларини кўриш**;

– тadbиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний **манфаатларини ифода этиш** ҳамда **ҳимоя қилиш**, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек **судда ифода этиш** ҳамда **ҳимоя қилиш**;

– тadbиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тadbиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишини ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

ПАЛАТАНИНГ АСОСИЙ ВАКОЛАТЛАРИ

– тadbиркорларнинг фаолияти масалаларига тааллуқли меъёрий-**ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш**;

– Палата аъзоси бўлмиш тadbиркорлик субъектлари фаолиятини **текширишларда иштирок этиш**;

– **давлат божи тўламасдан судга** Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб **даъво тақдим этиш**, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) **устидан шикоят бериш**.



Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Бундан ташқари, Палата қошида **Жамоатчилик кенгашларига** мазкур масалалар бўйича мурожаат қилиш тавсия этилади (“Фойдали алоқалар” бўлимига қаранг).



Тадбиркорларда ўтказилаётган текширишларнинг қонунга мувофиқ амалга оширилаётганлигини **мониторинг қилиб бориш** ва уни текширишлар ўтказиш тартибларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш учун Палата қошида **ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МАРКАЗИ** ташкил этилди. Қизиқтирган саволлар бўйича Ўзбекистон, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон/Факс: (998-71) **232-09-07**, E-mail: info@chamber.uz мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ



Агар Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ёки/ва жойлардаги прокуратура идораларидаги “IShONCh TELEFONI”га - 007 кўнғироқ қилишни **УНУТМАНГ**. Прокуратура идораларининг ходимлари Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Манзил: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 100047, Тошкент ш., академик Я.Гулямов кўч., 66, Телефон: (998-71) 007, 233-82-08, 233-24-29, E-mail: info@genprok.gov.uz, Web: www.genprok.gov.uz.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3993-сонли Фармони.
11. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
12. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 23 майда 1712-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
13. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш ҳақида” қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 23 майда 1573-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4354-сонли фармони.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ТЕКШИРИШ

МАСАЛАСИГА ОИД ОХИРГИ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗНИ ЭСДА ТУТИНГ:

1. Текширувчидан Текширишларни **РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИНИ АНИҚ ТЎЛДИРИШНИ** ва **ИМЗО ҚЎЙИШНИ СЎРАНГ**.

2. Текширувни амалга ошираётган мансабдор шахслардан тегишли ҳужжатларни бирма-бир сўранг, агар корхонангизнинг фаолиятини текширишга рухсати бўлмаса ёки рухсати бўлса ҳам, иш вақтидан ташқари пайтда текширишни амалга оширишга **РУХСАТ БЕРМАНГ**. Текширувчи текширишни бошлаш ва тугатиш вақтига rioя қилаётганлигига эътибор беринг.

3. Текширувчи давлат назорати органи бошлиғи томонидан тасдиқланган текшириш дастурида кўрсатилган масалаларнигина текширишга ва улар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнигина сўрашга ҳаққи бор.

4. Далолатнома (маълумотнома)нинг бир нусхасини текширувчидан беришни ҳамда далолатномага ва Текширишларни рўйхатга олиш китобида Сизнинг барча эътирозларингизни қайд этишни **ТАЛАБ ҚИЛИНГ**. Далолатномани яхшилаб **ЎҚИБ ЧИҚИНГ**.

5. Текшириш вақтида яқин орадаги Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вакилини ёки/ва лозим бўлганида **адвокат/юристини ТАКЛИФ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИНЛИГИНИ УНУТМАНГ**.

6. Текширувчиларнинг текшириш давомида қонун бузилишига олиб келувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига баҳо беринг ҳамда зудлик билан бу ҳақида назорат қилувчи органларнинг ишини мувофиқлаштирувчи **Кенгаш/у**нинг вилоятдаги комиссиялари ёки **Адлия вазирлиги/ҳудуддаги адлия бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси/ ҳудуддаги солиқ бошқармасининг** ишонч телефонлари орқали хабар беринг (*ишонч телефонларини 12, 13 ва 14 сонли иловаларда қаранг*).

Тадбиркорларга кеча-кундузи турли долзарб, жумладан ҳуқуқий ёрдам, ташқи иқтисодий фаолият, замонавий технологияларни олиб кириш масалалар бўйича **Савдо-саноат палатасининг** Тезкор маслаҳат хизмати - CALL-CENTER фаолият юритмоқда. Қизиқтирган саволлар бўйича callcenter@chamber.uz электрон хат қутичасига ёки (998-71) **150-60-06** телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Бундан ташқари, Палата қошида **Жамоатчилик кенгашларига** мазкур масалалар бўйича мурожаат қилиш тавсия этилади (“Фойдали алоқалар” бўлимига қаранг). Тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган текширишларнинг қонунга мувофиқ амалга оширилаётганлигини **мониторинг қилиб бориш** ва уни текширишлар ўтказиш тартибларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун Палата қошида **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУРОЖААТЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МАРКАЗИ** ташкил этилди. Қизиқтирган саволлар бўйича Ўзбекистон, 100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 6-блок, Телефон/Факс: (998-71) **232-09-07**, E-mail: info@chamber.uz мурожаат қилишингиз мумкин.



ТЕКШИРИШЛАР БЎЙИЧА
ЧЕК-ЛИСТ™

Худуд номи

Туман(шаҳар) номи

Госстат реестр №

Тадбирни рўйхат бўйича №

(Корхона ёки Яқса Тартибдони Тадбиркор номи)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:.....

Юридик манзили:.....

Телефон: (иш) (8-3.....)..... (мобил) (+998.....)..... (уй) (8-3.....).....

Факс: (8-3.....)..... E-mail:..... Вэб саҳифа:.....

Давлат рўйхатидан ўтган санаси:..... Регистратсия №.....

Савдо-саноат палата аъзоси: ХА Гувоҳнома № _____ « _____ » 20 ____ й. ЙЎҚ

Раҳбар Ф.И.Ш.:.....

Асосий фаолият тури:.....

Микрофирма

Кичик корхона

Йирик корхона

ШНН(СТПР) рақами:..... **ОКОНХ:**..... **Ходимлар сон:**..... нафар.

Текширув тури:	Бўйруқ бўйича текширув санаси:	Текширув ўтказайтган назорат органи:
<input type="checkbox"/> 1. Режали; <input type="checkbox"/> 2. Режадан ташқари; <input type="checkbox"/> 3. Қисқа муддатли; <input type="checkbox"/> 4. Муқобил; <input type="checkbox"/> 5. Назорат тартибда; <input type="checkbox"/> 6. Қўзғатилган жиноят иши бўйича.	Бошланган: " ____ " _____ 2012й. Тугатилган: " ____ " _____ 2012й. Ҳақиқатда қачон ўтказилди: Бошланган: " ____ " _____ 2012й. Тугатилган: " ____ " _____ 2012й.	<input type="checkbox"/> 1. Солиқ идоралари; <input type="checkbox"/> 6. Ёнгин назорати идоралари; <input type="checkbox"/> 2. Божхона; <input type="checkbox"/> 7. Ўзстандарт; <input type="checkbox"/> 3. Статистика; <input type="checkbox"/> 8. Прокуратура; <input type="checkbox"/> 4. СЭС; <input type="checkbox"/> 9. Давлат ветеринар идоралари <input type="checkbox"/> 5. Меҳнат вазирлиги; <input type="checkbox"/> 10. Бошқалар. (Тўлиқ кўрсатилсин).....

Қуйидаги саволларга «ХА» ёки «ЙЎҚ» деб жавоб берасиз

Текширувчиларда текшириш ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар мавжудми (мавжуд бўлганми)?		
1	НКОФМ республика кенгаши ёки унинг худудий комиссиялари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режа-жадвалидан кўчирма;	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>
2	Нazorat килувчи органининг мувофиқлаштирувчи режа асосида текшириш мақсади, текширувчилар мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширув ўтказиш муддати кўрсатилган ҳолда чикарган, бўйруғи;	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>
3	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун Кенгаш, худудий комиссиялари томонидан текшириш ўтказиш мақсади, текшириш ўтказиш мақсади, муддатлари ва унинг сабаблари асослиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор , шунингдек текшириш амалга оширувчи тегшли назорат килувчи органининг мансабдор шахслари таркиби ва текшириш ўтказиш муддати кўрсатилган бўйруғи;	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/> ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>
4	Қўзғатилган жиноят иши бўйича терговчининг текширув тайинлаш тўғрисида қарори;	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>
5	Текширувга жалб қилинган назорат органлари ва аудитор ташкилотлари ёки мустакил эксперт ўртасида тузилган шартнома.	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>
6	Текширувчи мансабдор шахслар текширув бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбарини текширувнинг мақсади ва шартлари билан таништиришдими?	ХА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>

Ушбу жавоб текшириш ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар мавжуд бўлганми ёки узатри кўрсатилган шартлар қилини бўйича берилади.

7	Текширувчи мансабдор шахслар текширув бошланишидан олдин ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарига текширишга асос бўлувчи ҳужжатларни тилхат асосида тақдим қилдим.	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	Ушбу жойга олганда тўғрирақдан савати кўрсатинг.
8	Ташкилотда текширишларни рўйхатга олиш китоби мавжудми.	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
Текширувчилар текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдими?			
9	Текширув бошланишидан олдин;	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
10	Текширувдан кейин;	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
11	Текширув жарағида (кайси кунда);	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	« ____ » _____ 2012й.
12	Умуман тўлдирилмади	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
Китобда кўрсатилган барча устулар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганим (2-7 устулари)?			
13	Иккинчи усту да текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг Ф.И.Ш., у бўлмаганда, унинг вазифасини бажарувчи шахсининг Ф.И.Ш. кўрсатилганими?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	Агар ушбу устулар тўлдирилмаган бўлса, ушбу жойга қайси устулар тўлдирилганини ёки тўлиқ тўлдирилмаганини кўрсатинг.
14	Учинчи усту да текширувчининг Ф.И.Ш., гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилганими?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
15	Тўртинчи усту да аудиторлик ташкилоти ёки эксперт жалб этилганда аудитор ташкилотнинг номи, лицензияси берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ёки экспертнинг Ф.И.Ш., шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилганими?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
16	Бешинчи усту да текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; бўйруқни чиқарган мансабдор шахсининг Ф.И.Ш., бўйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; кўзгатишган жиғоят иши иш билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор, чиқарган мансабдор шахсининг Ф.И.Ш., қарорнинг санаси, шунингдек жиғоят ишининг рақами кўрсатилганими?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
17	Олтинчи усту да текшириш турининг тўлиқ номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш) ва мақсади кўрсатилганими? Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва бўйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса бўйруқда кўрсатилган мақсадга мувофиқми?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
18	Еттинчи усту да текшириш ўтказиш муддати кўрсатилганими?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
19	Текширув назорат органи раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш дастури доирасида ўтказилдим?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	
20	Ташкилот раҳбарига текширув тутагандан кейин текширув натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нўсхаси тақдим этилдим?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	Ушбу жойга олганда тўғрирақдан савати кўрсатинг.
21	Ташкилот раҳбари текширув натижаларини акс эттирувчи, ҳужжатда қайд этилган ҳулосаларга розими ?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	Агар йўқ бўлса ушбу жойга савабини кўрсатинг.
22	Ташкилот раҳбари текширув натижаларидан норози бўлганлиги борасида қаергадир мурожаат қилганими ?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙўҚ <input type="checkbox"/>	Ушбу жойга мурожаат санасини кўрсатинг.
23	Корхона раҳбари ўз мурожаатига тўлиқ ва қоникарли жавоб олганими?	<input type="checkbox"/>	Ушбу жойга жавоб олган бўлса савати кўрсатинг.
		<i>Қарорчилиқ кўрсатинг.</i>	

Изоҳ: Квадратга шу аснода белги қўйилади

Мониторинг ўтказилган сана: « ____ » _____ 2012й.

Мониторинг ўтказган масўл шахсининг Ф.И.О: _____

Субъект раҳбари (вазифасини бажарувчи) нинг Ф.И.О: _____

Ташкилот муҳри: _____

(муҳр ўрни)

(имло)

(ф.и.ш.)

(имзо)

(ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тезкор хизмат кўрсатиши (Call center)

телефон рақами: (8-371) 150-6020; факс: (8-371) 232-09-03; web сайт: www.chamber.uz; e-mail: info@chamber.uz

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида унинг иктисодиётдаги улуши тобора ортиб, жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Бу борада тадбиркорлар учун янада кенг шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан тадбиркорлик фаолиятига аралашигша ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва хусусий мулк дахлсиз бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунининг алоҳида ҳимоясидадир.

Бугунги кунда, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш масаласи кун тартибда бўлиб, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсад қилиб қўйилгандир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармонида текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунинг учун белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётганига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги қайд этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киришти юклангандир.

Шу билан биргаликда, тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширишлари ва ривожлантиришлари лозимдир. Бунда, улар тегишли солиқлар ва тегишли тўловларни ўз вақтида тўлашлари, тегишли меъёрлар талабларини аниқ бажаришлари, ҳисоботларни тўғри тақдим этишлари ҳамда ўз навбатида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қўлланма оддий ва тушунарли тилда ёзилган бўлиб, унинг асосий мақсади тадбиркорлар учун текшириш билан боғлиқ бўлган мукамал қонунчиликни ва бу билан боғлиқ ҳолатларни ёритиб беришдан иборатдир. Тадбиркор текшириш келишига аввалдан тайёргарлик кўриши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу текшириш пайтида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф қилиши мумкин.

Тадбиркорларда текшириш билан боғлиқ бўлган алоҳида масалалар ёки алоҳида давлат назорати органи юзасидан саволлари мавжуд бўлса, тегишли соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш тавсия этилади.

ИЛОВАЛАР

1-сонли илова

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Коди	Назорат органининг номланиши
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси.
9	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида.
11	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази.
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.
13	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг чорвачиликда наслчилик ишлари Бош давлат инспекцияси.
14	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш Бош давлат инспекцияси.
15	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги.
16	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.
17	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
18	Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати Бош бошқармаси.
19	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
20	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.

21	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази.
22	Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси.
25	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат дон инспекцияси.
27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Бош давлат ветеринария инспекцияси.
29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитаси.
30	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат алоқа инспекцияси.
31	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бадий экспертиза бошқармаси.
33	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси.
34	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси.

35	Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси.
36	Темир йўллар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази.
37	Транспорт ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бўлими.
38	Ўзбекистон Республикаси саноат, кон иши ва коммунал-маиший секторда ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш давлат инспекцияси – «Саноатконтехназорат» инспекцияси.
39	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси Давлат геодезия назорати инспекцияси.
40	«Ўзбектуризм» миллий компанияси.
41	Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси.
43	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги.
44	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Давлат геология назорати бошқармаси.
45	«Ўзбеккино» миллий агентлиги.
46	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитаси.
47	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС) СУБЪЕКТЛАРИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ¹

Соҳа	Ходимлар сони	
	Микро-фирмалар	Кичик корхоналар
САНОАТ		
Газ саноати	1-20	21-50
Кўмир саноати	1-20	21-50*
Қора металлургия	1-20	21-50
Рангли металлургия	1-20	21-50
Кимё ва нефт-кимё саноати (кимё-фармацевтика саноатисиз)	1-20	21-50*
Совун ва ювиш воситаларини ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш (тиббий техника саноатисиз)	1-20	21-50
Қора ва рангли металлдан бичим қуймаларини тайёрлаш учун шаклли материалларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Машинасозлик (Асбобсозликсиз)	1-20	21-50*
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	1-20	21-50
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	1-20	21-50
Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший приборлар ишлаб чиқариш	1-20	21-50*
Металл конструкция ва буюмлар саноати	1-20	21-100

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 11 октябрь 2003 йилдаги 439-сонли қарори.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12-майдаги ПП-1529 сонли қарорига биноан ушбу соҳаларнинг айрим йўналишлари бўйича 2011 йил 1 июндан бошлаб кичик корхоналар ходимлари сони 50 дан 100гача кўпайтирилди.

Машина ва ускуналарни таъмирлаш	1-20	21-50*
Бошқа турдаги ускуна ва асбобларни ишлаб чиқиш	1-20	21-100
Технологик тўлдирмаларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Умуммашинақурилишда ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Ёғочни қайта ишлаш саноати	1-20	21-100
Целлюлоза-қоғоз саноати	1-20	21-100
Қурилиш материаллари саноати	1-20	21-100
Энгил саноат	1-20	21-50
Тўқимачилик саноати	1-20	21-50*
Тикувчилик саноати	1-20	21-100
Тикув ва электр маиший машина ва ускуналарини ишлаб чиқариш(маиший совутгич ва музлатгичларни ишлаб чиқариш бундан мустасно)	1-20	21-100
Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	1-20	21-50*
Озиқ-овқат саноати	1-20	21-100
Ёғ, пишлоқ ва сут(сут консерваларини ишлаб чиқариш бундан мустасно)	1-20	21-100
Сут саноати	1-20	21-50
Гўшт саноати(елимжелатиндан ташқари)	1-20	21-100
Ун, ёрма ва аралаш озуқа (комбикорм) ишлаб чиқариш саноати	1-20	21-50
Лак бўёқ саноати	1-20	21-100
Синтетик бўёқ саноати	1-20	21-100
Маиший кимё саноати	1-20	21-100
Асосий органик синтез маҳсулотлари саноати	1-20	21-100
Резина-техника маҳсулотлари саноати	1-20	21-100
Резина пойафзал саноати	1-20	21-100

Резинадан ишлаб чиқиладиган оммабоп маҳсулотлар саноати	1-20	21-100
Электр лампа саноати	1-20	21-100
Насос ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Электрон саноати(маҳсус технологик ускуналар ишлаб чиқариш бундан мустасно)	1-20	21-100
Тикув ва трикотаж саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Пойафзал, тери, мўйна ва теригалантерея саноати	1-20	21-100
Ипак ўраш саноати	1-20	21-100
Жунни бирламчи қайта ишлаш	1-20	21-100
Жун саноати(аҳоли талаби бўйича гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш бундан мустасно)	1-20	21-100
Табиий терини ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Балиқ саноати	1-20	21-100
Кимё-фармацевтика саноати	1-20	21-100
Тиббиёт усканалари саноати	1-20	21-100
Санитар техник ускуналар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Ойна, фарфор ва пластмассадан тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Ветеренария учун тиббий дори воситаларини ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Пластмассадан маҳсулотлар ишлаб чиқариш(грампластинка, магнитофон кассеталар ва компакт-дисклар ишлаб чиқариш бундан мустасно)	1-20	21-100
Полимер материаллардан пленка, труба ва листларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100

Шишапластик ва ундан маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Грампластинка, магнитофон кассеталар ва компакт-дисклар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Саноатнинг бошқа соҳалари	1-20	21-50
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши	1-20	21-50
Ўсимликчилик	1-20	21-50
Чорвачилик	1-20	21-50
Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш	1-20	21-50
Ўрмон хўжалиги	1-20	21-50
Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналари	1-20	21-50
Мева-сабзовот маҳсулотлари консерваларини ишлаб чиқариш	1-20	21-100
ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА		
Транспорт	1-10	11-25
Сув транспорти	1-10	11-25
Алоқа	1-10	11-25
Полимер транспорт идишларини ишлаб чиқиш	1-20	21-100
Автомобил ва тракторлар учун электр ускуналар ва приборлар ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Юкташиш автомобиллари ва автобусларни таъмирлаш	1-20	21-100
Енгил юк автомобилларини таъмирлаш(аҳоли талаблари бўйича таъмирлаш бундан мустасно)	1-20	21-100
Аҳоли талаблари бўйича енгил юк автомобиллари ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	1-20	21-100

ҚУРИЛИШ		
Умумқурилиш ташкилотлари	1-20	21-50
Алоҳида ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар	1-20	21-50
Ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини таъмирловчи, аҳоли буюртмаси бўйича уй-жой қурувчи ва таъмирловчи ташкилотлар	1-20	21-50
Ёнғинга чидамли материалларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
Ишлаб чиқаришга йўналтирилган метизларни ишлаб чиқариш	1-20	21-100
САВДО ВА УМУМОВҚАТЛАНИШ		
Ички савдо	1-5	6-25
Улгуржи савдо	1-5	6-25
Чакана савдо	1-5	6-25
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ВА СОТИШ		
Тайёрловчи ташкилотлар.	1-20	21-50
Ахборот-ҳисоблаш хизмати	1-20	21-50
Кўчмас мулк билан муомала	1-20	21-50
Иқтисодиётда бозор муносабатларини таъминловчи умумтижорий фаолият	1-20	21-50
Геология ва ер ва сув ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизмати	1-20	21-50
Ер ва сув ости бойликларини қидириш	1-20	21-50
Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа фаолиятлар	1-20	21-50
Металл чиқиндилари ва чиқинди хомашёларни йиғувчи тайёрлов идоралари	1-20	21-50
ТУРАРЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ		
Тураржой хўжалиги	1-10	11-25

Коммунал хўжалик	1-10	11-25
Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	1-10	11-25
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	1-10	11-25
Соғлиқни сақлаш	1-10	11-25
Дам олиш ва сайёҳлик	1-10	11-25
Халқ таълими	1-10	11-25
Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш	1-10	11-25
Маданият ва санъат	1-10	11-25
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш.	1-10	11-25
Илмий текшириш ишларини олиб боровчи муассасалар	1-10	11-25
Илмий муассасаларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар	1-10	11-25
Молия, кредит, суғурта, нафақа таъминоти	1-10	11-25
Банк фаолияти	1-10	11-25
Суғурта	1-10	11-25
Ёрдамчи молия-воситачилик фаолияти	1-10	11-25
Бошқарув	1-10	11-25

3-сонли илова

РЕЖА-ЖАДВАЛДАН КЎЧИРМА НАМУНАСИ

Режа-жадвалдан кўчирма
 Назорат қилувчи органлар
 фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика
 кенгашининг 2009 йил «30» декабрдаги
 4/1-Г-сонли қарорига 3-илова

**Назорат қилувчи органлар томонидан 2010 йилда Тошкент шаҳридаги
 тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларнинг
 РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

ДСБ - 1(А)

№	Вилоят номи	Туман (шаҳар) номи	Тадбиркорлик субъекти номи	СТИР	Текширишни амалга оширувчи назорат қилувчи органлар	Текширишни бошлаш санаси	Текширишни тугатиш санаси
1	26-г.ТАШКЕНТ	10-УЧТЕ-ПИНСКИЙ РАЙОН	KARAVAN UCH TERPASI MCHJ	205436967	1(А), 11(А), 20(А)	01.05.2010	30.05.2010

ҳудудий комиссиясининг ишчи органи

4-сонли илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
YONG'IN XAVFSIZLIGI
BOSH BOSHQARMASI
 100017, Toshkent shahri, Sh.Rashidov, 17



МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ПОЖАРНОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ
 Tel. 235-62-77 Fax. 233-42-81

BUYRUQ № _____

2010 yil « ____ » _____

Toshkent sh.

«Ташкент шаҳрида жойлашган _____
 режадаги ёнғин - техник текширувларини
 ўтказиш тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2006 йил 6 май куни 1573-сон билан рўйхатга олинган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни фаолиятини текширувини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги баёни талабларини бажариш ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2010 йил _____ кундаги ____-сонли қарорининг __-илласига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган _____ ларида ёнғин-техник текширувларини ўтказиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

Тошкент шаҳрида жойлашган _____ ларида ёнғин-техник текширувлари 20__ йилнинг __ кунидан 30__ кунигача бўлган вақт ичида ўтказилсин.

Тошкент шаҳрида жойлашган _____ ларда ёнғин-техник текширувлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси _____ ва _____ лар томонидан ўтказилсин.

Объектларда ёнғин-техник текширувлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бошлиғи томонидан тасдиқланган дастурга асосан ўтказилиб, махсус журналга қайд этилиши ва текширишга асос бўлувчи ҳужжатлар нусхаларини объект раҳбарига топшириб тилхат расмийлаштирилиши йўлга қўйилсин.

Текширувлар натижаси бўйича далолатномани ва Давлат ёнғин назорати ёзма кўрсатмалари тузилиб, объектлар раҳбарларига бажариш учун топширилсин.

Текширувлар якуни бўйича 10 кун муддат ичида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этилсин.

Мазкур буйруқнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бошлиғининг ўринбосари _____ зиммасига юклатилсин.

Бош бошқарма бошлиғи _____ (имзо жойи) _____ (Ф.И.Ш.)

5-сонли илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Ёнғин
назорати
Бош давлат инспектори
_____ А.А.Бердиев

«КЕЛИШИЛДИ»
Назорат қилувчи органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент
шаҳар ҳудудий комиссиясининг 2010 йил _____
даги № _____ - сонли қарори (хати)га илова

2010 йил «__» _____

Тошкент шаҳрида жойлашган _____
нинг ёнғинга қарши ҳолатини текшируви даврида
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат ёнғин назорати
хизмати ходимлари томонидан қўриладиган тад-
бирлар

ДАСТУРИ

Текширув даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

1. Объект маъмурияти томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида чиқарилган буйруқ, фар-мойиш ва йўриқномалар, уларнинг ижроси, муҳандис-техник ходимлар, ишчи ва хизматчиларни ёнғин хавфсизлиги талабларига ўргатиш ва ўқитиш ишларининг ташкил этилганлиги, ўқув машғулотлари дастурларини ишлаб чиқилганлиги, бу мақсадда ўқув синфларини ажратилиб, уларни кўргазмали куруллар билан жиҳозланганлиги, ишчи ва хизматчилар билан йўриқномалар, ёнғин-техник минимуми бўйича ҳамда ёнғин вақтидаги ҳаракатларни ўргатиш юзасидан амалий машғулотларни ўтказилиши;

1.1. Ёнғинларни олдини олиш, Давлат ёнғин назорати ёзма кўрсатмаларидаги ёнғинга қарши тадбирларни бажариш йўлида белгиланган амалий чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси;

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июнь куниндаги 243-сонли қарорига асосан корхоналарда ёнғин-техник комиссиялари ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналарини ташкил этилганлиги ва уларнинг иш фаолияти;

1.3. Объектларда муҳандис-техник ходимлар, ишчи ва хизматчилар томонидан ўрнатилган ёнғинга қарши тартибга, оловли ва пайвандлаш режа-таъмирлаш ишларини олиб боришда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ва белгиланган тартибда олиб борилиши, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларни байрам олди ва дам олиш кунларидан олдин текшириб, қабул қилиб олиш тартибининг белгиланганлиги ва ижроси;

1.4. Бино ва иншоотларни оралиқ масофалари, ёнғинга чидамлик даражасини ёнғинга қарши меъёрлар талабларига мослиги, биноларга модда ва материаллар билан ишлов беришда уларни ёнғинга хавфли-лик даражасини инобатга олиниши, ёнғин ўчириш автомобилларини ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлларни ҳолати;

1.5. Объектларда ёнғинга қарши автоматика қурилмаларини тадбиқ этиш, фойдаланиш муддати ўтганларини замонавийларига алмаштириш, ушбу қурилмаларни таъ-

мирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этилганлиги ҳамда бу ишларни сифати, техник хизмат кўрсатиш ишларини белгиланган вақт ва тартибда амалга оширилиши;

1.6. Корхоналарнинг ташқи ва ички ёнғинга қарши сув таъминоти, канализация тизимини ёнғинга қарши меъёр ва қоидалар талабларига мослиги, уларни техник ҳолати, сув қувурлари, ёнғин ўчиришга мўлжалланган ер ости сув олгичлар (гидрант), сув ҳовузлари, ички ёнғин ўчириш жўмакларлари, насос станция-лари ҳамда технолог қурилмаларни ёнғин вақтида сув билан совутишга мўлжалланган сув қувурлар техник ҳолати, носозларини таъмирлаб, уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этилганлиги, сув манбааларини кўрсатгичлар билан таъминланганлиги ва уларни олди-га ёнғин ўчириш автомобилларини ўрнатиш учун қаттиқ қопламли майдонларни мавжудлиги;

1.7. Маъмурий бинолар, омборлар ва ёрдамчи биноларда, трансформатор подстанциялари, кабель хўжалигида электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда «Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари»га риоя этилиши, яшндан ва статик электр токидан ҳимоя тизимини «Яшндан ҳимоя қурилмаларини ўрнатиш бўйича йўриқнома» талабларига мослиги;

1.8. Бино ва иншоотларнинг иситиш, вентиляция тизимининг ёнғинга қарши меъёр ва қоидалар талабларига мослиги, тизимнинг техник ҳолати, уларга профилактик ишларни олиб борилишини ташкил этилганлиги ва бу ишларнинг сифатига;

1.9. Ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда инсонларни ва моддий бойликларни қутқариш захира чиқиш йўлақлар ҳамда эшикларни ҳолати, қутқарув режалари мавжудлиги ва уларни талаб даражасида чизилганлиги, юриш йўлақлар, қаватлараро зинопоярлар ва бинодан чиқиш захира эшикларни ёнғинга қарши меъёр ҳамда қоидалар талабларига мослигига;

1.10. Қимматбаҳо қоғозлар ва моддий бойликларни сақлаш омборларини ёнғинга қарши меъёр ва қоида талабларига мослигига, ушбу маҳсулотларни сақлашда уларни кимёвий хусусияти инобатга олган ҳолда ҳамда ёнғинга қарши оралиқларга риоя этилиши;

1.11. Объектларда ёнғин ўчириш воситалар (ёнғин учиргичлар, энглик, дастак ва бошқа бирламчи ёнғин ўчириш воситалар) ва уларнинг захирасини мавжудлиги, сақланиши ҳолати, бино ва иншоотларнинг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан талаб даражасида таъминланганлиги ва уларнинг ҳолати.

1.12. Объектларда янги қурилиш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш ишларини олиб боришда ёнғинга қарши меъёр ва қоидалар талабларини бажарилиши, ушбу талабларни лойиҳаларга киритилганлиги;

1.13. Объектларда мавжуд бўлган ёнғин ўчириш мотопомпа, насослар ва бошқа ёнғин ўчириш асбоб-анжомлари билан таъминланганлиги, уларнинг техник ҳолатига, кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналар шахсий таркиб томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши.

«Тузди»

Ўзбекистон Республикаси Ёнғин назорати
Бош давлат инспекторининг катта ёрдамчиси

6-сонли илова

ТЕКШИРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ МАХСУС ГУВОҲНОМА НАМУНАСИ

(давлат солиқ хизмати кўмитасининг тизими)

Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи
МАХСУС ГУВОҲНОМА № _____

(ходимнинг исми-шарифи)

(эгаллаб турган лавозими)

Аттестация комиссиясининг 20__ йил _____ даги _____ -солиқ
қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти
20__ йил _____ гача текшириш ҳуқуқи берилди.

Хизмат гувоҳномаси билан биргаликда кўрсатилади.

Мухр ўрни _____

(Аттестация комиссияси раисининг аъзоси. Ф.И.О.)

7-сонли илова

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QOMITASI
TOSHKENT SHAHAR BOSHQARMASI
100000, Toshkent shahri,
Abay ko'chasi, 22



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
УПРАВЛЕНИЕ ГОРОДА ТАШКЕНТА
Tel. 244-98-25, Fax. 233-42-81

BUYRUQ № _____

2010 yil « » _____

Toshkent sh.

*«Қисқа муддатли текшириш
ўтказиш ҳақида»*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги ПФ-1504-сонли фармони, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2006 йил 6 майдаги Адлия вазирлигида 1573-сон билан қайд этилган Низомига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-, 1997 йил 11 декабрдаги 548-, 2002 йил 6 майдаги 154-, 2002 йил 5 августдаги 280-, 2002 йил 20 августдаги 295-, 2002 йил 26 ноябрдаги 407-, 2003 йил 13 февралдаги 75-, 2003 йил 23 майдаги 230-, 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-, 2009 йил 26 октябрдаги 282- ва 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли қарорларини ба-жарилеш назорати, савдо, нарх-наво қоидаларига риоя этилиши, кўрсатилаётган хизматларни тўла ва тўғри бўлиши, нақд пул тушумини банк муассасаларига тўлиқ топширилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилиш мақсадида,-

Б У Ю Р А М А Н:

1. Тошкент шаҳар ДСБнинг «Назорат тартибдаги ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» бўлими ходимлари Бекмуродова З.А. ва Тўхтаев М.М.ларга Чилонзор туманида жойлашган «N» МЧЖ (СТИР – _____) корхонасига қарашли савдо тармоғида текшириш ўтказиш топширилсин.
 2. «N» МЧЖ корхонасига қарашли савдо тармоғида қисқа муддатли текшириш 2010 йил 19 декабр куни ўтказилсин.
 3. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш ДСБнинг «Назорат тартибдаги ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» бўлими бошлиғи Тошматов Г.А.га юклатилсин.
 4. Ушбу буйруқ ижросини назорати Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Турсунов А.А. зиммасига юклатилсин.
- Асос: Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси рухсати ва дастури.

Тошкент шаҳар
Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

И.А.Ибрагимов

8-сонли илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳар ДСБ
бошлиғининг муовини
_____ А.О.Бозоров
«__» _____ 2010 й

«КЕЛИШИЛДИ»
Назорат қилувчи органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент
шаҳар ҳудудий комиссиясининг 2010 йил _____
даги № _____ - сонли қарори (хати)га илова

Тошкент шаҳар ДСБси томонидан «_____» Тошкент филиалида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган Йўриқноманинг ижроси юзасидан ўтказиладиган режадан ташқари текширувлар

ДАСТУРИ

1. Тижорат банкларида туман ДСИлари томонидан қўйилаётган инкассо тўлов талабномаларини ва солиқ тўловчиларнинг топшириқномаларини ҳисоб varaқларда пул маблағи мавжуд бўлган ҳолда ижро қилинмаганлигини ёки кечиктирилиб ижро қилинаётганлигини текшириш;
2. Юридик шахснинг ҳисоб-варақларидаги миллий валютадаги маблағлар тўланиши лозим бўлган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, банк томондан ДСИларнинг тақдимига асосан юридик шахснинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағнинг талабларни қондириш учун етарли бўлган миқдордаги қисмини Республика валюта биржасига сотувга чиқарилаётганлигини текшириш;
3. Тижорат банклар томонидан пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолда ижро тўлов ҳужжатлари бўйича мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш тартибига риоя қилинаётганлигини текшириш.
4. Олдин ўтказилган текширувлар бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича қилинган ишларни текшириш.

ЮШБСТНваТ бошқармаси
бошлиғининг муовини, ЮШСТ бўлими бошлиғи

Эсиматов А.А.

9-сонли илова

Т И Л Х А Т

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг корхонамизда текширув ўтказиш учун келган ходимларидан текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан 20__ йил __ декабрда __-сонли йиғилиш Қарори билан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалидан кўчирма, текшириш ўтказиш учун расмийлаштирилган ДСБнинг буйруғи ва текшириш дастуридан бир нусха олдим.

Текширувчиларнинг гувоҳномаси ва махсус гувоҳномаси билан танишиб чиқдим. Текширувчиларга ҳеч қандай эътирозим йўқ.

(Хўжалик субъекти номи, раҳбари Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ КЕНГАШ (ВИЛОЯТ КОМИССИЯЛАРИ) БИЛАН ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН НАЗОРАТ ФУНКЦИЯЛАРИ РЎЙҲАТИ

Назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

–алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, шунингдек акциз маркалари мавжуд эмаслиги ёки қалбакилаштирилиши далиллари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигида бунга ваколати бўлган солиқ ва бошқа органлар томонидан муомаладан ушбу маҳсулотлар қонун билан белгиланган тартибда тезкор олиб қўйилишини амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

–сифатсиз ва/ёки контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилиши тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганидагина лицензия битими талабларига мувофиқ бундай маҳсулот сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармацевтик инспекцияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган дори маҳсулотлари устидан назоратни амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

–Кенгаш билан келишилган объектларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган тупроқ, оқава ва ер устидаги сувларни ифлослантириш манбалари мониторинги;

–савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон қарори 3-бандига мувофиқ ўтказиладиган хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган фаолият йўналишини сақлаш бўйича шартларга риоя қилиши устидан мониторинг;

–Давархитектқурилишназорат органлари билан қурилиш буюртмачилари ўртасида, шунингдек буюртмачилар билан пудрат қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар мавжуд бўлган ҳолларда амалга ошириладиган қурилиш ишлари сифатининг қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, республи-

ка стандартларига, давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилиш;

–Ўздавдонназорат бўлинмалари томонидан «Ўздонмахсулот» ДАКнинг ғалла қабул қилиш пунктларида намуна олиш йўли билан дон қабул қилиш корхоналари омборлари, тегирмонлар ва элеваторларда мавжуд бўлган доннинг намлиги ва ифлослигини таҳлил қилиш;

–корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларнинг қабул қилган қарорлари асосида тугатилганда;

–адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича кўрсатадиган ҳуқуқий ёрдам, шунингдек тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш. Адлия органлари ҳар чорақда Кенгаш ва тегишли ҳудудий комиссияларга қилинган иш тўғрисида Кенгаш ишчи органи билан келишилган шакл ва муддатларда маълумотлар тақдим этадилар;

